



MILLIY TIKLANISH

50 (371) ● 2015 йил 23 декабрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
 ЎЗМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ЎЗМТДП ташкилотларида давлатимиз раҳбарининг Конституциямиз қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи кенг ўрганилмоқда

Сурхондарё вилоятида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг 16 мингдан ортиқ аъзоси бор. Уларнинг 10 мингдан зиёдини ёшлар ташкил этади

ЎЗМТДПдан Қорақалпоғистондаги маҳаллий вакиллик органларига сайланган депутатлар 11 ой давомида 90 га яқин депутат сўровини амалга оширди

Қонунчилик палатаси

Назорат-таҳлил натижалари

қўмитанинг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама этилди

2014 йилда қабул қилинган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг очиқлиги ҳамда уларнинг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини оширишда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Фуқароларнинг ахборотга бўлган конституциявий ҳуқуқларини таъминлашда муҳим ҳужжат бўлган мазкур қонунда давлат органлари фаолияти ҳақидаги ахборотлар билан жамоатчиликни хабардор қилиш механизмлари аниқ белгилаб қўйилган. Бугунги кунда мазкур қонун доирасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида ахборот очиқлигини таъминлашга қаратилган тизимли ишлар йўлга қўйилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонуннинг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Фарғона вилоятидаги давлат органлари тизимидаги ижросини ўрганиш яқунлари муҳокама этилди.

> 4-бет.



Шухрат Йўлдошев,
ёш санъаткор, ЎЗМТДП фаоли:

— Мамлакатимизда миллий эстрада санъатини ривожлантириш, уни аждодаларимиз бой маънавий мероси билан уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Зеро, мусиқа ва санъат навқирон авлодни жисмонан соғлом, маънан баркамол вояга етказишда муҳим воситадир.

Мен "Миллий тикланиш"ни танладим. Сиз-чи?

ЎЗМТДП — устувор вазифалар



Миллий-маънавий тараққиётнинг долзарб вазифалари

Соғлом она ва бола йилида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси дастурий мақсадлари ижросини янги босқичга кўтаради

Халқимиз доимо эртанги кун орзуси билан яшайди. Фарзандлари ўзидан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлиши, тўқин ва фаровон ҳаёт кечирishiни истайди. Бунинг учун аввалдан замин ҳозирлаб, мустаҳкам пойдевор қуради. Ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам, деган азму шижоат билан ёруғ келажак сари интилади. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар замирида ана шундай эзу мақсадлар мужассам.

Соғлом зурриёдни дунёга келтириш, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёшларимизнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топиши, замонавий билимларни

эгаллаши, ўз иқтидор ва салоҳиятини рўёбга чиқариши учун кенг имкониятлар яратиш борасидаги саъй-ҳаракатлар шулар жумласидандир.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма уч йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Асосий вазифамиз — жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат" маърузасини ўқиб, мушоҳада қилган ҳар бир инсон бундай ҳаётий ҳақиқатлар ижобатини ўз ҳаёти мисолида янада теран англаши шубҳасиз. Айнан шу маъруза орқали ҳар бир юртдошимиз ўз ҳаёти, оиласи, келажаги ҳақида яна бир қарра мушоҳада юритгани, бу борада эътибор бериши лозим бўлган жиҳатларни англагани шубҳасиз.

> 2-бет.

Фаолият

Сурхондарё вилояти: Аҳоли ишончини қозониш

барча даражадаги партия ташкилотларининг бош мақсади

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёни босқичма-босқич такомиллаштирилиб, қонун чиқарувчи ҳокимият, ҳокимиятнинг вакиллик органлари ҳамда сиёсий партияларнинг вазифа ва вазолатлари кенгайтириляётир.

Хусусан, сиёсий партияларнинг жамиятдаги нуфузи ошиб, улар ижтимоий ҳаётимизнинг фаол иштирокчисига айланмоқда. Сайловларда партиялараро соғлом рақобат кучайиб бораётир, сайловчилар фаоллиги ва сиёсий партияларга бўлган ишонч ортмоқда. Кейинги йилларда тобора чуқурлашиб бораётган ислоҳотлар сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ролини янада мустаҳкамлашга, энг муҳими, маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳлари фаолияти самарадорлигини тубдан оширишга хизмат қилмоқда. Сиёсий партиялар, ўз навбатида, саъй-ҳаракатларини замон талабларига мослаштириб бораётир.

> 3-бет.

Сўхбат

Яқунда етиб бораётган 2015 йил мамлакатимиз ва юртдошларимиз ҳаётида муҳим ўзгариш ва янгиланишларга бой бўлди. Мамлакатимизда барча соҳада юксак натижаларга эришилиб, фахрланишга асос бўладиган ютуқлар қўлга киритилди. Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам фаол иштирок этишга ҳаракат қилмоқда.

Партия ташкилоти ва партия гуруҳлари ҳамкорлиги натижасида фуқаролар муурожаатларига ечим топилмоқда, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида аниқ ташаббус-масалалар амалга оширилмоқда

Хусусан, бу борада партиядан сайланган депутатлар фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Хўш, жорий йил давомида ЎЗМТДПдан сайланган депутатлар қандай фаолият кўрсатди? Партия гоё ва мақсадларини амалга оширишда, электрот манфаатларини таъминлашда, худудлар тараққиёти, аҳоли турмуш фаровонлигига доир масалаларни ҳал этишда уларнинг иштироки ва ўрни қай даражада бўлди? Шу каби саволлар билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ЎЗМТДП фракцияси раҳбари, Жўқорғи Кенгесининг Ижтимоий ривожланиш ва жамоат бирлашмалари масалалари қўмитаси раиси Баҳамдулла НУРАБУЛЛАЕВга муурожаат қилдик.

— Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатимизни сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-маърифий жиҳатдан ривожлантириш бўйича қўлга киритилган ютуқларни янги босқичга кўтариш борасида белгиланган вазифалар парламент, сиёсий партиялар ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари зиммасига катта масъулият юклади, — дейди Баҳамдулла Нурабуллаев.

> 4-бет.

Ушбу сонда:

Соғлом бола — юрт таянчи



ЎЗМТДП ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш борасида изчил фаолият олиб боришни дастурий мақсад-вазифалари сирасига киритган

> 6-бет.

Куш уяси шаклидаги стадион

Пекин шаҳрининг Чаоянь туманида жойлашган муҳташам Миллий стадион шаҳар кўркига кўрк бағишлаб турибди



> 7-бет.

Ўзбек жанг санъати жаҳонга юз тутмоқда



> 8-бет.

"Milliy tiklanish" газетасини
 www.milliytiklanish.uz
 сайтида ҳам ўқин!

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158

« Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Бугун кенг жамоатчилик, зиёлилар, ёшлар давлатимиз раҳбарининг мазкур дастурий маърузасини, унда билдирилган фикр-мулоҳазалар, долзарб вазифа ва ташаббусларни чуқур ўқиб-ўрганмоқда. Шу жумладан, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари, партия фаоллари ва ёш малякдошларимиз ушбу маъруза мазмун-моҳиятини кенг ўрганиб, унда белгиланган долзарб вазифаларни ўз фаолиятида изчил амалга оширишга киришди. Жойлардаги партия ташкилотлари дастуриламал маъруза мазмун-моҳиятини ўрганишга қаратилган ўқув-семинар, давра суҳбатлари ва очик мулоқотлар ташкил этаётди.

Юксак тараққиётнинг дастуриламали

Жиззах. ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши ташкил этган семинар Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги дастуриламал маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишлар ижросини таъминлашда маҳаллий Кенгашлар депутатлари олдида турган вазифалар ва унинг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишга бағишланди.

Семинарда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов иштирок этди.

«Давлатимиз раҳбарининг Конституциямиз қабул қилинганлигининг 23 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган тантанали йиғилишдаги маърузаси бугун мамлакатимизнинг барча шахару қишлоқлари, маҳаллалар, меҳнат жамоалари ва ўқув юртларида кенг ўқиб-ўрганилиб, тегишли вазифалар белгиланмоқда, — деди партия раҳбари. — Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларида ҳам мазкур маъруза атрофича муҳокама қилиниб, ундан келиб чиқадиган вазифалар асосида фаолиятимизнинг асосий йўналишлари белгиланмоқда. Маърузани партиянинг ҳар бир аъзоси ўқиб-ўрганиб, чуқур идрок этиши, ушбу ҳужжатда илгари сурилган гоғлар ва белгиланган вазифалар асосида иш дастурларимизни янада бойитишимиз лозим. Энг муҳими, партия фаоллари маърузани кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб-ташвиқ қилишни тизимли йўлга қўйишга эришишимиз керак.

Юртбошимиз маърузасида Конституция ва унинг асосида яратилган қонунчилик базаси жамиятимизни ислох этиши, демократлаштириши, мамлакатимизни модернизация қилиш ва туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш бўйича пухта ўйланган, дунёда тараққиётнинг «Ўзбек модели» деб тан олинган дастур асосини ташкил этиши алоҳида таъкидлаб ўтилди. Шу боис жаҳондаги санокли давлатлар қаторида мамлакатимизда мустақил тараққиёт йилларида иқтисодиёт қарийб 6 баробар, аҳоли кенг бошига тўғри келадиган реал даромадлар 9 баробардан зиёд ўсганлиги барчамизнинг қалбимизда фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади.

Ватанимизда амалга оширилаётган ана шундай кенг қўламли ислохлар туйғабил одамларимизнинг онгу тафаккурида рўй бераётган туб ўзгаришлар, уларнинг ён-атрофдаги воқеаларга муносабати, дахлдорлик ҳисси, энг муҳими, сиёсий фаоллиги ва фуқаролик позицияси тобора ўсиб бораётганлиги маърузада эътироф этилди. Бу мустақил фикрли, мустақкам ирода эгаси бўлган ва жамиятда сиёсий фаол фуқаролар сафини янада кенгайтиришга интилаётган партияимиз учун муҳим аҳамият касб этади. Чунки, юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқимиз фаровонлиги ҳамда демократик ислохотларнинг кенг қўламли амалга ошиши ҳар бир фуқаронинг сиёсий онг-тафаккури юксаклиги, фуқаролик позициясининг мустақкамлиги, эл-юрт манфаатларига дахлдорлигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Давлатимиз раҳбари маърузасида илгари сурилган бу гоғ ва вазифалар мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, одамлар қалбида дахлдорлик ҳиссини янада кучайтириш, ёшларнинг билим олиши ва муносиб меҳнат шартлоғига эга бўлишига кўмаклашишни ўз дастурий мақсадларида етакчи ўринга қўйган Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлари зиммасига катта масъулият юклайди. Зеро, электрот ва хайрихоҳларимиз ҳаётини манфаатларини қабул қилинаётган қонунларда акс эттиришни янада кучайтириш фрак-

Миллий-маънавий тараққиётнинг долзарб вазифалари

Соғлом она ва бола йилида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси дастурий мақсадлари ижросини янги босқичга кўтарари

ция аъзолари олдида турган муҳим вазифадир.

— Дастуриламал маърузада фақатгина ҳуқуқий давлат шароитида демократик тартибга эришилиб, демократик институтлар ва қадриятлар ҳаётга татбиқ этилиши, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари таъминлиши алоҳида таъкидланди, — деди семинарда маъруза билан иштирок этган ЎзМТДП фракцияси аъзоси Алишер Қодиров. — Шу нуқтаи назардан давлатимиз раҳбари қонунчилик ташаббусига эга субъектлар зиммасига, айниқса, парламентга алоҳида вазифалар юклайди. Яъни Олий Мажлис, ҳуқумат ва қонунчилик ташаббусига эга бошқа субъектлар асосий вазифаси — қонунлар ва уларни ҳаётга жорий этиш механизмларини ҳар томонлама пухта ишлаб чиқишни янада жадаллаштириши зарурлиги таъкидланди. Мазкур долзарб фикрлар ва аниқ вазифалар биз депутатлар зиммасига алоҳида масъулият юклар, бу жараёни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни тақозо этади. ЎзМТДП фракцияси аъзолари қонун ижодкорлиги жараёнида янада масъулиятли бўлиши, электрот манфаатларига хизмат қилувчи қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиб, унинг қабул қилинишига эришиши, қабул қилинаётган қонунларнинг реал ҳаётдан узилги қолмаслиги ва уни амалга ошириш механизмларини аниқ белгилаб олиши лозим. Зеро, яратилаётган ҳар бир қонун ҳужжати фуқаролар ҳаёти, манфаати билан бевосита боғлиқ, эртанги кунимизга дахлдор, фарзандларимиз саодатли келажагининг кафолати ва ҳуқуқий асосидир.

Айниқса, юртимизда қиз болаларнинг — бўлғуси оналарнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом бўлиб вояга етиши, уларнинг ўрта мактабдан сўнг лицей ва коллежларда албатта таълим олишини таъминлаш, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаши бунгун кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бу эзгу савий-ҳаракатларнинг туб замирида ҳар жиҳатдан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмаган навқирон авлоднинг юрт қорига камарбаста қилиб тарбиялаш мақсади муҳимасан. Бу соғлом авлод тимсолида келажагимизни, мамлакатимизни ислох этиш ва янгилаш бўйича белгилаб олган юксак мақсадларимизга эришиш йўлида том маънода ҳал қилувчи куч, таянч ва суянч бўлишга қодир ёшларимизни кўриб турибмиз.

Навқирон авлод — юрт келажаги

Сирдарё. — Президентимиз маърузасида белгилаб берилган вазифалар ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуриш, фуқаролар ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳар бир оиланинг турмуш фаровонлигини ошириш, навқирон авлоднинг ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқени юксалтириш, бу борада ҳуқуқий тизим самардорлигини ошириш ва жамиятда қонунлар устуворлигини таъминлашдек эзгу мақсадларга қаратилгани билан алоҳида аҳамиятга эга, — деди ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши ташкил этган семинарда иштирок этган партия Марказий кенгаши раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев. — Таъкидланганидек, мамлакатимизда эришилаётган барча ютуқ ва марралар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, давлат бошқаруvinинг энг самарали механизмининг жорий этиши, фуқаролик жамияти асосларини вужудга келтириш ва ривожлантириш борасида амалга оширилган ислохотлар, аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унинг асосида қабул қилинган қонунларнинг изчил амалга оширилиши ва ҳаётга татбиқ этилиши натижасидир. Ўтган тарихан қисқа фурсатда халқимиз эришган улкан ютуқлар самарасини бугун ҳар бир юртдошимиз ўзининг тинч-осуда, тўқин ва фаровон ҳаётида теран англамоқда, дилдан ҳис қилмоқда.

Дастуриламал маърузада, шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг аҳамияти ва натижалари, одамларимизнинг онг-тафаккурида рўй бераётган туб ўзгаришлар, уларнинг ён-атрофдаги воқеаларга муносабати, дахлдорлик ҳисси ва сиёсий фаоллиги ошиб, фуқаролик позицияси тобора мустақкамлини бораётгани таъкидланди. Дарҳақиқат, бунгунги фуқароларимиз кечаги кун одамларидан тубдан фарқ қилади. Улар ҳар жиҳатдан фаол, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга бефарқ эмас. Буни фуқароларнинг сайлов жараёнида эркин, хоҳиш-иродасига таяниб овоз бераётгани, сиёсий партиялар ҳаётида фаол иштирок этаётгани, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва дунёда рўй бераётган воқеаларга нисбатан ўз муносабати ва қатъий фуқаролик позициясини билдираётганида яққол кўриш мумкин. Бу жараёнда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳам аҳоли ишончини қозониб, хайрихоҳлари ва аъзолари сафини кенгай-

тириб бормоқда. Партияимиз аъзолари сони кенг фикрли, эркин дунёқараш ва қатъий фуқаролик позициясига эга навқирон авлод, ҳар жиҳатдан фаол ва ташаббускор хотин-қизлар ва салоҳиятли фуқаролар ҳисобига ортиб бораётди. Бугун ЎзМТДПнинг 200 минг нафарга яқин аъзоси мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишга, партияимиз ҳамда депутатлар кўмағидан фойдаланишга ва барча соҳада мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилишга интилаётган сиёсий куч билан ҳамқадам бўлишга ҳаракат қилмоқда.

— Бугун юртимизнинг қайси гўшасига борманг, одамлар ўз ҳаётдан мамнун, эртанги кунга ва фарзандлари келажагига ишонч ҳисси билан яшаётганига гувоҳ бўласиз, — деди семинарда ЎзМТДП фракцияси аъзоси Шерзод Қулматов. — Маърузада таъкидланганидек, «бундан 18 йил олдин Кадрлар тайёрлаш, Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастурларини қабул қилганимиз таълим-тарбия соҳасида эски қолип ва асоратлардан холи бўлган, бугун ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган янги тизимни ҳаётимизда татбиқ этганимиз ҳақиқатан ҳам тарихий бир воқеа бўлди, десак адашмаган бўламиз. Бунинг натижасида мустақил ва янгилик фикрлайдиган, замон талабига жавоб берадиган авлодни шакллантиришга эришдик, Ватанимизнинг эртанги кунини, тақдирини ўз қўлига олишга қодир бўлган фарзандларимиз бугун минбарга чиқмоқда».

Айниқса, юртимизда қиз болаларнинг — бўлғуси оналарнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом бўлиб вояга етиши, уларнинг ўрта мактабдан сўнг лицей ва коллежларда албатта таълим олишини таъминлаш, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаши бунгун кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бу эзгу савий-ҳаракатларнинг туб замирида ҳар жиҳатдан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмаган навқирон авлоднинг юрт қорига камарбаста қилиб тарбиялаш мақсади муҳимасан. Бу соғлом авлод тимсолида келажагимизни, мамлакатимизни ислох этиш ва янгилаш бўйича белгилаб олган юксак мақсадларимизга эришиш йўлида том маънода ҳал қилувчи куч, таянч ва суянч бўлишга қодир ёшларимизни кўриб турибмиз.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳам ўз фаолияти давомида ҳаётга катта орзу-мақсадлар билан кириб келаётган, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаган, азму шижоатли, иймони бутун, иродаси қабулваёт ёшларни ўз сафида бирлаштириб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилмоқда. Партияимиз аъзоларининг қарийб 50 фоизини ташкил этувчи ёшлар манфаатини таъминлаш, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳаларимиз ЎзМТДП сафида ҳақиқий ватанпарвар авлоднинг бирлашишига хизмат қилмоқда. Зеро, юксак интеллектуал салоҳиятга эга, ўз ишининг етук мутахассиси бўлган, «эртанги кун бизники, марра бизники», деб ёниб яшайдиган ёшларгина келажаги буюк мамлакатни қуришга қодир.

Семинарда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Норбобо Соатов, республика Маънавият тарғиботи маркази вилоят бўлими бош мутахассиси Тошпўлат Ҳайитбоев, «Ёшлар қаноти» фаоли Давронбек Хусанов маъруза юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Соғлом бола — мустақкам оила меваси

Наманган. Партия Наманган вилоят кенгашида ҳам худди шу мавзуга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

— Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳасини ислох қилиш ва демократлаштириш ҳақида фикр юритиб, қонун устуворлиги ва қонунчиликка риоя қилиш принципларига алоҳида тўхталиб ўтди, — деди семинарда маъруза қилган ЎзМТДП фракцияси аъзоси Шерзод Раҳимов. — Бу борада эришилган натижалар эъти-



ЎзМТДП фракцияси аъзолари ва депутатлари кўмағидан фойдаланишга ва барча соҳада мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилишга интилаётган сиёсий куч билан ҳамқадам бўлишга ҳаракат қилмоқда.

роф этилди. Хусусан, АҚШдаги Ижтимоий Фикрни ўрганиш институти ўтказган «Қонуний тартибларга итоат қилиш индекси» деб номланган тадқиқот натижаларига кўра, мамлакатимиз 141 давлат орасида 2-ўринни эгаллагани ҳар бир юртдошимизда фахр-ифтихор туйғусини уйғотгани шубҳасиз. Маърузада таъкидланганидек, фақатгина ҳуқуқий давлат шароитида демократик тартибга эришилиб, демократик институтлар ва қадриятлар ҳаётга татбиқ этилади, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари таъминланади. Шу нуқтаи назардан давлатимиз раҳбари қонунчилик ташаббусига эга субъектлар, айниқса, парламент зиммасига алоҳида вазифалар юклайди. Яъни Олий Мажлис, ҳуқумат ва қонунчилик ташаббусига эга бўлган бошқа субъектлар асосий вазифаси — қонунлар ва уларни ҳаётга жорий этиш механизмларини ҳар томонлама пухта ишлаб чиқишни янада жадаллаштириши зарурлиги, бу қонун ва механизмлар ҳаётдаги аниқ муносабатларни кенг майдонда амалда тартибга солиб, бу муносабатларда иштирок этадиган ҳар бир субъект ўз фаолиятида қонун талабларига асосланиш таъкидланди: «Яна бир муҳим вазифамиз қонун ижодкорлиги фаолиятини прогноз қилиш ва режалаштириш бўйича самарали тизим яратишдан иборатдир. Бу биз учун асосий марраларимиздан чалғимасдан, реал ҳаётдан узоқлашмасдан, нафақат давлат бошқаруви, иқтисодий тараққиёт соҳасидаги аниқ вазифаларни ҳал этишда, балки асосий мақсадимиз бўлган ҳуқуқий демократик давлат қуришни изчил амалга оширишда қандай қонунлар қабул қилиниши кераклигини аниқ белгилаш имконини беради».

Дарҳақиқат, мазкур долзарб фикрлар ва аниқ вазифалар биз депутатлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди, фаолиятимизга яна бир бор танқидий назар билан қараш, бу жараёни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни тақозо этади. Янги қонунларни ишлаб чиқишда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар билан амалий алоқаларни мустақкамлаши муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳаёт олдимизга қўйётган долзарб масалалар ечимини қонуний ҳал этиш билан боғлиқ тақлифларни илгари суриши лозим.

— Юртимизда 2016 йилни Соғлом она ва бола йили деб эълон қилинган бежиз эмас, — деди ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия кўмитаси девоени бўлим бошлиғи Дониёр Тўшбоев. — Маърузада таъкидланганидек, соғлом бола, соғлом авлод орзуси ажодларимиздан мерос, қон-қонимизга сингиб кетган қадрият, ҳаётимиз мазмундир. Агар ота-боболаримизнинг турмуш ва тафаккур тарзига назар солсак, улар инсоннинг насл-насабига, етти пуштининг тозаллиги, авлоднинг соғлиғига жуда катта эътибор берганига амин бўламиз. Соғлом бола — соғлом ва аҳил оиланинг меваси, фақат соғлом онадан соғлом бола туғилади.

Ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш борасида изчил фаолият олиб боришни дастурий мақсад-вазифалари сирасига киритган Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, унинг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлари кириб келаётган йилда бу йўналишдаги савий-ҳаракатларини янги босқичга кўтарари, Соғлом она ва бола йили муносабати билан қабул қилинажак Давлат дастурининг

изчил амалга оширилишига муносиб ҳисса қўлишга бор куч-гайрат ва имкониятини сафарбар этади.

Нимаики қонуний бўлса, у — адолатли

Тошкент шаҳри. ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши ташкил этган Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Асосий вазифамиз — жамиятимизни ислох этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнида янги босқичга кўтаришдан иборат» мавзусидаги маърузаси ҳамда унда илгари сурилган фикр ва гоғлар асосида партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари олдида турган долзарб вазифалар муҳокамасига бағишланган семинар ҳам юқори савияда ўтказилди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбарининг маърузасида мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган кенг қўламли ислохотларнинг юқори самараси, биз эришаётган марраларнинг туб омиллари аниқ рақам, далил ва кўрсаткичлар асосида чуқур таҳлил этилиб, олдимизда турган вазифалар белгилаб берилганлиги алоҳида таъкидланди.

— Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида бизнинг бош мақсадимиз — фақат ҳуқуқий демократик давлат эмас, балки адолатли жамият қуриш эканлигини яна бир бор таъкидлади, — деди семинарда маъруза қилган ЎзМТДП фракцияси аъзоси Мухтабар Хусанова. — Бинобарин, маърузада баён этилган фикрларни пухта ўрганган ҳолда зарур чора-тадбирларни белгилаш, вазифаларни амалга оширишда партияимиз вакиллари, депутатлар фаол иштирок этиши лозим.

Президентимиз концептуал маърузада алоҳида таъкидлаганидек, дарҳақиқат, «Конституция ва унинг асосида яратилган қонунчилик базаси, шунингдек, 2010 йилда қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси, 2011 ва 2014 йилларда Бош қомусимизга киритилган тузатишлар жамиятимизни ислох этиш, демократлаштириш ва либераллаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш бўйича пухта ўйланган, узоқ муддатга мўлжалланган, дунёда тараққиётнинг «Ўзбек модели» деб тан олинган дастур асосини ташкил этди. Айни шу модель замонавий, жадал ва барқарор ривожланиб бораётган давлатнинг шаклланишида мустақкам пойдевор бўлиб хизмат қилди, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди».

Бу бежиз эмас. Чунки Конституциямизда қонун устуворлиги, унинг барча фуқаро учун тенглиги, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши аниқ белгиланган. Бош қомусимизнинг 15-моддасида «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларнинг устуворлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш қўрадилар», дейилади. Юртимизда қонун устуворлиги, Конституция ва қонунларга тўла амал қилинишини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар Асосий қонунимиздаги ана шундай меъёрларнинг ҳаётимиздаги теран ифодасидир. Аслида ҳам, қадимги дунё-

нинг буюк донишмандлари таъкидлаганидек, «Нимаики қонуний бўлса, у — адолатлидир». Яъни, айнан қонун адолат манбаи ва мезони экани мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ва изчил ислохотлар жараёнида яна бир бор ўз исботини топмоқда.

Президентимизнинг қабул қилинаётган қонунларда уларни қўллаш амалиётининг аниқ механизмлари тўлиқ ва батафсил акс эттирилиши, уларни жорий этиш механизмлари ҳар томонлама пухта ишлаб чиқиши лозимлиги тўғрисидаги сўзлари депутатлик корпуси зиммасига ҳам янги вазифалар юклайди.

Мамлакатимизда жамият ва давлат институтлари ўртасида самарали шерикчиликни шакллантириш мақсадида очкилик ва ошкоралик муҳитини таъминлаш борасида кенг қўламли савий-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Ҳуқуқий давлатда жамият ҳаётининг субъектлари самарали ҳамкорлик қилишлари учун уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларидан эркин фойдаланиш имкониятини яратиш, қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари мазмунини билан таништириш лозим.

Президентимизнинг маърузасида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этишга этиқозимини аниқ тартибга соладиган, энг муҳими, аҳолини қабул қилинаётган қонунларнинг мақсади, мазмун-моҳиятини давлат кенг ҳабардор этиб боришга қаратилган махсус қонун ҳужжатини қабул қилиш ва амалга ошириш борасида илгари сурилган ташаббус мазкур соҳадаги вазиятни яхшилашга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу фикрлари қонун ижодкорлиги ташаббусини рўёбга чиқариши, мамлакатимизда қонунчиликни, ҳуқуқ-тартиботини мустақкамлашга, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилиш тизимини яратишга, одамларнинг давлат институтлари фаолиятига ишончини оширишга хизмат қилади.

Президентимиз ўз маърузасида мустақилликка эришганимиздан сўнг соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, биринчи навбатда, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масаласи устувор вазифа сифатида белгиланганини ва шу билан бирга аёлларга шарқона эҳтиром ва эъзоз кўрсатиш — биз учун ота-боболаримиздан қолган ибратли мерос бўлиб, биз бундай аъёнларимизга доим содиқ бўлиб яшашимиз лозимлигини, алоҳида таъкидлаб ўтди.

Тарихий мерос, қадрият ва аъёнларни ҳимоя қилиш асосий вазифаси бўлган Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг аъзолари, ташкилотлари ҳамда партиядан сайланган депутатлар маърузада белгиланган вазифа, яъни — «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурини ишлаб чиқишда, аввало, юртимизда оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича шаклланган ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш масаласида бутун куч ва имкониятларини ишга солиб, ташаббускор бўлишлари лозим.

Йиғилишда ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши ва партия гуруҳининг 2016 йилги иш дастурини маърузада белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб шакллантириш, бошланғич партия ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалар ҳусусида фикрлашилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Хулосага ҳали бор...

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг йигирма уч йиллиги мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланаётган кунларда, Президентимиз дастурий маърузаси мазмун-моҳиятини чуқур англаш ва партия ташкилотларида кенг тарғиб қилиш, унда белгилаб берилган долзарб вазифаларни изчил амалга ошириш ЎзМТДП олдида турган муҳим вазифадир. Мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, халқимизнинг кўп асрлик миллий қадриятини, унда урф-одатларини, бой тарихий меросини асраб-авайлаш, миллий иқтисодиётни ривожлантириш, миллий ахборот маконини яратиш, оилавий қадриятларни асрашни устувор дастурий мақсад сифатида белгиланган Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси давлатимиз раҳбари концептуал маърузасида белгилаб берилган вазифаларни келгуси фаолиятининг дастуриламали деб билади. Шу билан бирга, партия Бош қомусимизда белгилаб берилган қоида ва меъёрларга таяниб, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг муносиб иштирокчисига айланади.

Шоҳида ДАМАНОВА,
«Milliy tiklanish» мухбири

Сурхондарё вилояти: Аҳоли ишончини қозониш

барча даражадаги партия ташкилотларининг бош мақсади

Давоми.
Бошланиш 1-бетда.

Бунга ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши фаолияти ҳам аққол мисол бўла олади. Партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларни амалга ошириш, электрот манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, аҳолини ўйлантираётган айрим масалаларни ҳал этишда фаоллик кўрсатиш, партия ғояларини кенг аҳоли ўртасида тарғиб қилиш партия вилоят ташкилотининг бош мақсадига айланган. Партия ташкилоти ўз тарафдорлари сафини йилдан-йилга кенгайтириб бормоқда. Бугунги кунда Сурхондарёда ЎзМТДП аъзоси 16 минг 500 га етди. Уларнинг 10 мингдан зиёдини ёшлар ташкил этади.

— Партия дастурий мақсадларини ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ЎзМТДПдан халқ депутатлари вилоят, туман ҳамда шаҳар Кенгашларига сайланган депутатлар алоҳида ташаббускорлик кўрсатмоқда. Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи жорий йилнинг 9 ойи давомида 66 депутатлик сўровини амалга ошириб, 3 мансабдор шахс ҳисоботини тинглади, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Сайфулла Турсунов. — Туман, шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДПдан сайланган депутатлар эса 189 депутатлик сўровини амалга оширди. Бундан ташқари, партия Марказий кенгаши ишлаб чиққан “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида ту-

зилган партия депутатлик гуруҳлари томонидан сессия кун тартибига киритилиши мумкин бўлган масалалар Концепцияси” ЎзМТДП гуруҳлари фаолиятини янада жонлантиришга, худудлардаги айрим масалаларни ижобий ҳал этишга хизмат қилаётир. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг партияга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайтир. ЎзМТДП ғояларига хайрихоҳлар сафини кенгайтирмоқда.

ЎзМТДП ғояларини тарғиб этишга қаратилган тадбирлар ташкил этиш, улар таъсирчанлигини ошириш партия вилоят кенгашининг доимий эътиборидаги масала.

— Партия дастурида назарда тутилган буюк алломаларимиз меросини ўрганиш ҳамда тарғиб қилиш, миллий кадриятларимизни асраб-авайлаш, ёшларни “оммавий маданият” ниқобидаги турли ғоявий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, уларни ватанпарвар, миллий ғояга садоқат руҳида тарбиялаш каби мақсад-вазифалар тадбирларнинг бош мақсадига айланган, — дейди партия Сурхондарё вилоят кенгаши девони раҳбари Сайдулла Абдураимов. — Жорий йилнинг шу давrigа қадар 10 мингдан ортқ ана шундай тадбир ташкил этдик ва унда 30 мингдан зиёд аҳоли иштирок этди. Партия ғояларини тарғиб этишда ЎзМТДП Сурхондарё вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари 30 дан

ортқ давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Қолаверса, вилоят кенгаши 16 ташкилот билан қўшма қарор имзолаб, фаолият самарадорлигини янада қучайтиришга интиломоқда.

Дарвоқе, партия фаолиятини янги ва таъсирчан лойиҳа орқали бошқариш замонавий усул бўлиб, бу янгиллик амалиётда ўзини оқлади. Йил давомида ЎзМТДП Сурхон-

даги аҳамияти”, “Глобаллашув жараёнида “оммавий маданият” нинг миллий кадриятларимиз ва ёшлар онгига салбий таъсири”, “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш — ЎзМТДПнинг иқтисодий соҳадаги устувор вазифаси”, “Миллий бренд”, “Юртимиз бўйлаб” каби лойиҳалар ана шулар жумласига кирди. Мазкур тадбирлар сурхондарёликларда ЎзМТДПнинг мақсад-вазифалари ва



дарё вилоят кенгаши ҳам қатор лойиҳаларнинг минтақавий босқичларини ўтказди. “Донотлик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” ва “Ўзбекистондаги иқтисодий ижтимоий ва сиёсий жараёнлар — ёшлар нигоҳида” республика кўрик-танловларининг вилоят босқичлари, “Банк кредитларининг оилавий тадбиркорлик ва миллий хунармандчиликни ривожлантириш-

ғоялари ҳақида янада тўлароқ тасаввур уйғотишда муҳим аҳамият касб этди. Буни вилоятда жорий йилнинг ўзида 38 янги бошланғич партия ташкилоти тузилганидан ҳам аққол сезиш мумкин. Мазкур қуйи бўғинлар Сурхондарёда ЎзМТДП ғояларини янада кенг тарғиб-ташвиқ қилиш ва партиянинг тарафдорлари сафини кенгайтиришга хизмат қилаётир.

Фаолият факт ва рақамларда:

- ✓ Сурхондарё вилоятида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг 16 мингдан ортқ аъзоси бор.
- ✓ Партия аъзоларининг 10 мингдан зиёдини ёшлар ташкил этади.
- ✓ Сурхондарёда ЎзМТДПдан халқ депутатлари вилоят Кенгашига 7, туман ва шаҳар Кенгашларига эса 67 депутат сайланган.
- ✓ Жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар 514 депутат сўровини амалга оширди, 6 мансабдор шахс ҳисоботи тингланди.
- ✓ Вилоятда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида янги 38 бошланғич партия ташкилоти ташкил этилди.

Давра суҳбати

Партия лойиҳалари — ёшлар нигоҳида

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида истеъдодли, юксак интеллектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялаш, уларнинг илмий-ижодий изланишларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Жойларда замонавий таълим муассасалари, ахборот-ресурс ва ёшлар марказлари, болалар спорт иншоотлари барпо этилиб, жаҳон андозалари даражасида жиҳозланаётир.

Бундай гамхўрлик ва эътибор боис турли соҳаларда билим ва салоҳиятини намоён этиб, Ватанимиз тараққиёти, унинг халқаро майдондаги обрў-эътибори юксалишига муносиб ҳисса қўшаётган ёшлар сафи тобора кенгайиб бораётир.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам сайловолди Платформасида иқтидорли ёшлар сафини янада кенгайтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратган. Партия ташкил этилган акция ва лойиҳалар ана шу мақсад-вазифалар рўйбига хизмат қилмоқда. Давра суҳбатида партия лойиҳаларида фаол иштирок этаётган сурхондарёлик бир гуруҳ ёшларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

Шаҳло ҒАФФОРОВА,
Термиз давлат университети талабаси, ЎзМТДП фаоли:

— Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг ёшлар ишончини қозонаётган сиёсий куч, десак муболага бўлмайди. Бунда партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларнинг ёшлар манфаатлари билан боғлиқлиги муҳим аҳамият касб этаётир. Партия Ҳаракат дастурида ёшларни маънавияти, китобга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларнинг онг-шувурига ота-боболаримизнинг илмий-адабий меросига хурмат руҳини сингдириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, камол топиб келаётган авлодни, биринчи навбатда, китобга муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, уларда матбаачилик маҳсулотларига қизиқишларни қучайтириш, Ўзбекистон халқининг амалиёт дарслари ўтиладиган хоналарни замон талабларига мослаштириш каби мавзуларда ташаббус-масалаларни сессия кун тартибига олиб чиқди. Халқ депутатлари туман Кенгашининг бу борада тегишли қарорлари қабул қилинди. Бу саъй-ҳаракатларимиз ЎзМТДПнинг жисмонан соғлом ва маънан етук, юксак интеллектуал авлодни тарбиялаш вояга етказиш борасида уйғун ва ҳаммадан. Зотан, партия таълим жараёнига замонавий истиқболли илм-фан ютуқларини жорий этиш, мамлакатимизда илм-фани янада ривожлантириш, илмий фаолиятга истеъдодли, қобилиятли ёшларни жалб этиш орқали юқори билим-малакали жамиятни шакллантиришга кўмак-нашарини ўзининг дастурий вазифаларидан деб билади.

Раъно ХУДОЙҚУЛОВА,
ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши етакчи мутахассиси:

— Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини мустаҳкамлашга қаратилган илмий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Зеро, ҳуқуқни яхши билган, ён-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан мустақил фикрга эга инсонини ҳеч ким тўғри йўлдан адаштира олмайди. ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши ҳам мамлакатимизда жисмонан соғлом, маънан етук йигит-қизларни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратиб келаётир. Партия вилоят кенгаши ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган халқимизга ёт, ёш авлод онги учун зарарли бўлган “оммавий маданият”нинг салбий таъсиридан ёшларни муҳофаза қилиш мақсадида уларнинг миллий тикланиш ғояси, миллий маданияти ва кадриятларини эъозлаш руҳида тарбиялаш, таълим муассасаларидаги ўқувчиларнинг мамлакатимиздаги мавжуд маданий-тарихий ёдгорлик масканларига оммавий ташрифларини уюштириш каби мақсад-вазифалар рўйбига қаратилган қатор тадбирларни ташкил этмоқда.

Интеллектуал салоҳиятти, истеъдодли, ташаббускор ва ташкилотчи ёшларни аниқлаш ва улар ҳисобига партия сафини янада кенгайтириш мақсадида бир неча йилдан буён “Ёш сиёсий билимдонлар” клуби аъзолари ўртасида республика миқёсида интеллектуал кўрик-танлов ўтказиб келинмоқда. Мазкур лойиҳа орқали ёшлар нафақат ўз сиёсий ва ҳуқуқий билимларини синовдан ўтказмоқда, балки мамлакатимиздаги тарихий ёдгорликларни бўйлаб саёҳат уюштирмоқда. Ушбу лойиҳанинг жорий йилги босқичида вилоятимизнинг “Жануб гавҳари” жамоаси ҳам муносиб иштирок этди. Лойиҳа давомида бир неча иқтидорли ёшларни кашф этдик. Улар партиянинг турли тадбирлари,

кўрик-танлов ва лойиҳаларида фаол иштирок этмоқда.

Партиянинг ёшлар маънавиятини юксалтириш, билим салоҳиятини ошириш, улар онгига миллий анъана ва кадриятларимизга ҳурмат руҳини сингдиришга қаратилган тадбирлари йилдан-йилга қўнайиб бораётир. Натижада партия сафи иқтидорли ёшлар ҳисобига кенгаймоқда. Масалан, ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши 10 мингдан зиёд ёшларни ўз сафига бирлаштирган. Демак, партия аъзоларининг ярмидан кўпроги жамиятнинг энг фаол қатлами бўлган ёш авлод вакиллари дидир.

Мастура ҲАМРОЕВА,
журналист, “Ёшлар қаноти” фаоли:

— Ўзбекистоннинг замонавий хотин-қизлари ҳар томонлама билим олиб, касб эгаллашган, ўз иш жойида юқори натижаларга эришаётган, мамлакат ва жамият ҳаётида бевоқиф ёшларни етаклаётган ижтимоий фаол шахслар дидир. Бу мустақиллик йилларида жамиятимизда хотин-қизларнинг роли ва мавқеини ошириш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, иқтидорли ва салоҳиятнинг рўйбига чиқаришга қаратилган демократик ислохотларнинг самарасидир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган илмий ижтимоий сиёсат хотин-қизларнинг бахтли ҳаёт кечирishi, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокини кенгайтириш, ижтимоий-иқтисодий фаоллигини қучайтириш, интеллектуал ҳамда маънавий ривожланишига муҳим омили бўлмоқда. Шу маънода партиянинг “Донотлик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” кўрик-танловининг бу йилги босқичи ҳам фаол, оқила ва ташаббускор хотин-қизларнинг чиқарилишига алоҳида эътибор қаратилган. ЎзМТДПнинг мазкур танлови ўзбек аёлининг оила ва жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётир. Мен ҳам жорий йилги танловнинг вилоят босқичида иштирок этдим. Бу танлов менга партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар мазмун-моҳияти билан янада яқинроқ танишишга имкон берди.

Партия ўтказаятган тадбирларнинг барчаси ёшларнинг билими, савияси, дунёқараши ва маънавиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Айниқса, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни иш билан таъминлаш, хунармандчилик ва оилавий тадбиркорликка кенг жалб этиш “Аёллар қаноти” ўтказаятган кўрик-танлов, давра суҳбати ва тадбирларнинг бош мавзусига айланган. Бундай тадбирлар хотин-қизларнинг ҳуқуқий-сиёсий маданияти ошишига, аҳоли орасида партиянинг дастурий мақсад-вазифаларини янада кенг тарғиб этишга замин яратмоқда.

Партия ўтказаятган тадбирларнинг барчаси ёшларнинг билими, савияси, дунёқараши ва маънавиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Айниқса, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни иш билан таъминлаш, хунармандчилик ва оилавий тадбиркорликка кенг жалб этиш “Аёллар қаноти” ўтказаятган кўрик-танлов, давра суҳбати ва тадбирларнинг бош мавзусига айланган. Бундай тадбирлар хотин-қизларнинг ҳуқуқий-сиёсий маданияти ошишига, аҳоли орасида партиянинг дастурий мақсад-вазифаларини янада кенг тарғиб этишга замин яратмоқда.

Саҳифани “Milliy tiklanish” муҳбири Ҳасан САЛОМОВ тайёрлади

Партия аралашгач...

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар замирида энг аввало, инсон манфаатлари мужассам. Истиқболнинг илк йилларида ноқ таппиб олинган “Ислохот ислохот учун эмас, инсон учун” дегаи тамойил бузуғи ўз натижасини амалда кўрсатаётир. Буни халқимизга хос бўлган ободлик, эртанги ёруғ келажакка иштишишга доир эзгу саъй-ҳаракатларда ва фаровон ҳаётимиз мисолида аққол кўриш мумкин.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари, партия гуруҳлари ҳам ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётимиздаги ўзгариш ва янгиланишларда фаол иштирок этаётир. Партия Сурхондарё вилоят кенгаши фаолияти мисолида бунга яна бир бор амин бўлиш мумкин.

Жумладан, ЎзМТДП Сариев туман кенгаши партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш ҳамда партия электрот манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида бошланғич партия ташкилотлари ва халқ депутатлари Сариев туман Кенгашидаги партия гуруҳи билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйган. Худудларда учраб турадиган айрим муаммоларни бартараф этиш, аҳоли турмуш сифати ва қулайликларини ошириш, янги иш ўринларини ташкил этиш каби масалалар ЎзМТДП Сариев туман кенгашининг доимий эътиборида.

— Партия туман кенгаши партия гуруҳи билан ҳамкорликда дастурий мақсад-вазифаларимиз рўйбига доир тизимли ва изчил чора-тадбирлар режасини ишлаб чиққан, — дейди ЎзМТДП Сариев туман кенгаши раиси Намоз Жўраев. — Жумладан, депутат Аҳмадجان Бобоев ташаббуси билан тумандаги “Шарфун” шаҳарчаси худудида жойлашган эски йўндоғ қайта таъмирланди. Бу орқали туманимизда болалар спорт-

Электрот манфаати доимий эътиборимизда

ни ривожлантириш, жисмонан соғлом ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш, болалар ва ёшларнинг кенг қўламли спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Бу ЎзМТДПнинг сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларга уйғун ва ҳаммадан. Шунингдек, партия Сариев туман кенгаши ва партия гуруҳи аралашуви билан маҳаллий аҳамиятга эга йўлларни таъмирлаш, қишлоқ худудига тоза ичимлик сувини келтириш, янги иш ўринларини ташкил этиш борасида ҳам амалий саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

ЎзМТДП сайловолди дастурида белгилаб қўйилганидек, аҳоли турмуш сифати ва қулайликларини ошириш — партиянинг ижтимоий соҳада олиб бораётган фаолиятининг бош мақсади дидир. Шу сабабдан ҳам партия Сариев туман кенгаши ташаббуси ва партия гуруҳи саъй-ҳаракати билан 10 га яқин коллеж бирутвучиси иш билан таъминланди. Аҳолининг электрот қисми бандлиги, биринчи навбатда, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида хунармандчилик, оилавий тадбиркорлик, касаланилишни ривожлантириш эвазига уларни иш билан таъминлашни кенгайтиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш мақсадида ўтган йили партия туман ташкилоти коллеж бирутвучилари Зулфизар Ҳамроева ва Муборак Гадоева-нинг хунармандчилик фаолиятини бошлашига кўмаклашди. Партия туман кенгаши дастлаб мутасадди ташкилотларга мурожаат қилиб, уларнинг фаолият бошлаши учун зарур техника воситаларини ижарага олишда ёрдам берди. Ўтган давр мобайнида

хунармандчилик фаолиятини ривожлантирган Муборак Гадоева бугунга келиб ўзининг “Муборак” хусусий тиквучеҳида 6 қиз иш билан банд.

— Партиянинг ёш хунармандларни қўллаб-қувватлаётганини эшитиб, бу мустақил фаолият бошлаш учун қулай имконият эканини аниқладим, — дейди Муборак Гадоева. — Шундан кейин ЎзМТДП фаолиятига қизиқиш ортди. Дастлаб хунармандчиликни ривожлантириш, аҳоли, айниқса, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва бу орқали аҳоли турмуш фаровонлигини оширишни мақсад қилган ЎзМТДП сайловолди Платформаси билан танишиб чиқиб, партия туман кенгашига ўз бизнес режамни тақдим этдим. Бизнес режам партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар ижросига тўла мос тушди. Шундан кейин партия ташкилоти ва халқ депутатлари Сариев туман Кенгашидаги партия гуруҳи кўмағида тиквучеҳини ташкил этдик. Келажакда партия билан ҳамкорликда қиладиган ишларим кўп. Кейинги йил фаолиятимизни кенгайтириш мақсадида партия кўмағида банкдан имтиёзли кредит олишни режалаштирганмиз.

Туман кенгаши олиб бораётган бу каби саъй-ҳаракатлар аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмоил бозорини тўлдирish, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилиб, аҳоли орасида ЎзМТДПнинг мавқеини мустаҳкамламоқда. Бу эса партиянинг тарафдорлари ва хайрихоҳлари сафининг янада кенгайишида муҳим аҳамият касб этади.

Ойдин ЖўРАБЕКОВА,
Халқ депутатлари Сариев туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:

— Маҳаллий вакиллик органларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар нафақат хунармандчилик йўналишидаги, балки бошқа соҳалардаги айрим масалаларни ҳал этиш, аҳолининг оғирини енгил қилиш ҳамда сайловолди Платформасидаги устувор вазифалар рўйбига фаоллик кўрсатаётир. Айниқса, таълим соҳасини янада ривожлантириш, таълимга инновацион технологияларни кенг жалб этиш, илғор педтехнологиялардан фойдаланишни қўллаб-қувватлаш борасида қатор ташаббус-масалалар билан чиқмоқда. Шу кунгача партия гуруҳимиз сессия кун тартибига мақтабгача таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитишни янада ривожлантириш, касб-хунар коллежларининг амалиёт дарслари ўтиладиган хоналарни замон талабларига мослаштириш каби мавзуларда ташаббус-масалаларни сессия кун тартибига олиб чиқди. Халқ депутатлари туман Кенгашининг бу борада тегишли қарорлари қабул қилинди. Бу саъй-ҳаракатларимиз ЎзМТДПнинг жисмонан соғлом ва маънан етук, юксак интеллектуал авлодни тарбиялаш вояга етказиш борасида уйғун ва ҳаммадан. Зотан, партия таълим жараёнига замонавий истиқболли илм-фан ютуқларини жорий этиш, мамлакатимизда илм-фани янада ривожлантириш, илмий фаолиятга истеъдодли, қобилиятли ёшларни жалб этиш орқали юқори билим-малакали жамиятни шакллантиришга кўмак-нашарини ўзининг дастурий вазифаларидан деб билади.

Шаҳло ҒАФФОРОВА,
Термиз давлат университети талабаси, ЎзМТДП фаоли:

— Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг ёшлар ишончини қозонаётган сиёсий куч, десак муболага бўлмайди. Бунда партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларнинг ёшлар манфаатлари билан боғлиқлиги муҳим аҳамият касб этаётир. Партия Ҳаракат дастурида ёшларни маънавияти, китобга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларнинг онг-шувурига ота-боболаримизнинг илмий-адабий меросига хурмат руҳини сингдириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, камол топиб келаётган авлодни, биринчи навбатда, китобга муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, уларда матбаачилик маҳсулотларига қизиқишларни қучайтириш, Ўзбекистон халқининг амалиёт дарслари ўтиладиган хоналарни замон талабларига мослаштириш каби мавзуларда ташаббус-масалаларни сессия кун тартибига олиб чиқди. Халқ депутатлари туман Кенгашининг бу борада тегишли қарорлари қабул қилинди. Бу саъй-ҳаракатларимиз ЎзМТДПнинг жисмонан соғлом ва маънан етук, юксак интеллектуал авлодни тарбиялаш вояга етказиш борасида уйғун ва ҳаммадан. Зотан, партия таълим жараёнига замонавий истиқболли илм-фан ютуқларини жорий этиш, мамлакатимизда илм-фани янада ривожлантириш, илмий фаолиятга истеъдодли, қобилиятли ёшларни жалб этиш орқали юқори билим-малакали жамиятни шакллантиришга кўмак-нашарини ўзининг дастурий вазифаларидан деб билади.



Суҳбат

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

— Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидеги ҲўМТДП фракциясида 18, мамлакатимиз Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидеги партия фракциясида эса ҳудудимиздан сайланган 3 депутат фаолият юритаётган бўлиб, улар ана шу дастуриламал маърузада белгиланган вазифалар, партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда иш олиб боришга ҳаракат қилаётгани эътиборга молик. Хусусан, Жўқорғи Кенгесидеги ҲўМТДП фракцияси жорий йилда аҳоли ва электротариф манфаатларини ҳимоялаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида аниқ тақлиф ва ташаббус-масалаларни доимий комиссиялар, сессиялар муҳокамасига киритди.

Фракция аъзолари “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қорақалпоғистон Республикаси қонунининг янги тахрири, ҳудуддаги неча минг йиллик бебаҳо тарихий-маданий, археологик ва архитектура ёдгорликларини асраб-авайлаш, улардан самарали фойдаланган ҳолда республикада туризмни ривожлантириш масаласи, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидеги ҲўМТДП фракцияси ташаббуси билан Ўзбекистон халқ таълими вазирлигининг 2014 йил 11 июль куни эшитилган “Ўзбекистон Республикасида мактабга чад таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ҳолати ва истиқболлари, уларни педагог кадрлар билан таъминлаш ҳамда мазкур муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисида”ги ахбороти юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси сессияларига ташаббус-масалалар киритди. Аини пайтда бу масалалар юзасидан тегишли ташкилотларга муайян вазифалар юқлатилиб, бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

— **Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, электротариф манфаати юзасидан мансабдор шахсларга депутатлик сўрови билан мурожаат қилиш энг таъсирчан усуллардан саналади. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидеги ҲўМТДП фракцияси депутатлик назоратининг бу муҳим институтидан қай даражада фойдаланмоқда?**

— ҲўМТДП фракцияси депутатлари партиянинг сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда партия электротариф манфаатларига хизмат қилувчи бир қатор назорат-таҳлил ишларини амалга оширди. Фракция аъзолари сайловчилар мурожаатлари асосида ҳудудлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига жами

Партия ташкилоти ва партия гуруҳлари ҳамкорлиги

натijasида фуқаролар мурожаатларига ечим топилмоқда, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида аниқ ташаббус-масалалар амалга оширилмоқда

80 дан зиёд депутатлик сўрови киритиб, уларнинг деярли барчасини ижобий ҳал этишга эришди.

Маълумки, ҲўМТДП сайловолди Платформасида миллий хунармандчиликни янада ривожлантириш, унутилиб кетаётган бой маданий меросимиз намуналарини асраб-авайлаш, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, бу борада юртимизда бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Мазкур ҳуқуқий меъёрлар ижросини таъминлаш, партия дастурий вазифаларини амалга ошириш мақсадида фракция аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига депутатлик сўрови киритди. Бунинг натижасида Беруний, Қонликўл, Кейли ва Кўнгирот туманларида фаолият олиб бораётган кўлаб хунармандлар доимий иш ўрнига эга бўлиб, улар учун янада кенг шариот яратилди.

Мана шундай депутатлик сўровлари натижасида Ҳўжайли тумани “Саманкўл” овул фуқаролар йиғинидаги юздан зиёд хонадон суюлтирилган газ билан таъминланди, яна шу тумандаги 13-сонли маҳалла фуқаролар йиғинига тоза ичимлик суви келтирилди, Амударё туманидаги “Назархан”, “Қипшақ”, “Қангли” ва бошқа маҳаллалардаги фуқароларга имтиёзли банк кредити олишда ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, Нукус шаҳри “Қизилқум” маҳалласидаги бир неча ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳудуддаги ёшларни ишга жойлаштириш борасидаги депутатлик сўровлари ҳам ижобий натижа топди.

Бундан ташқари, доимий комиссиялардаги фракция аъзолари комиссия йиғилишларида аниқ тақлифларни илгари сураётгани, уларнинг ташаббуси билан ҳисобот даврида 10 дан зиёд мансабдор шахснинг ҳисоботи эшитилган ҳудудларни ободонлаштириш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, хунармандчилик ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

— **ҲўМТДП ўз фаолиятида маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари билан иш олиб бориш,**

уларнинг партия дастурий вазифалари ижросида фаол иштирок этишини таъминлашга ҳамда депутатларимизнинг ваколат ва имкониятларидан аҳоли, электротариф манфаатлари йўлида фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. ҲўМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси ўринбосари сифатида халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятини қандай баҳолайсиз?

— Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига ҲўМТДПдан 80 депутат сайланди. Бугунги кунда маҳаллий Кенгашларда 13 партия гуруҳи фаолият юритмоқда. ҲўМТДПдан маълум, партия гуруҳлари фаолиятини такомиллаштириш, энг аввало, электротариф манфаатини ҳимоялаш, жойларда ижтимоий-иқтисодий масалаларни ўрганиш ва ҳал қилишда катта аҳамиятга эга. Чунки ҳар бир сиёсий партия ўз дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ҳудудларда ўз ечимини кутиб турган долзарб масалаларга ижобий ечим топишни, ўз электротариф манфаатини ифода этишни мақсад қилади. Бу мақсадлар, айниқса, сиёсий партияларнинг маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари орқали амалга оширилаётгани эътиборга молик.

Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидаги ҲўМТДП гуруҳлари жорий йилнинг 11 ойи давомида давлат бошқарув органлари ҳамда корхона, ташкилотларга 90 га яқин депутатлик сўрови юборди, уларнинг аксарияти ижобий ечим топган. Шунингдек, ҲўМТДП депутатлари ташаббуси билан 28 мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланди. Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидаги доимий комиссия йиғилишларида 13 масала бўйича тақлиф киритилиб, шундан 12 таси юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди. Сессиялар кун тартибидан партия гуруҳлари аъзолари жами 16 ташаббус-масалани илгари суриб, бу бўйича ҳам манзилли дастурлар тасдиқланиб, аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мазкур сўй-ҳаракатларга назар ташласак, уларда, асосан, чекка ҳудудлардаги аҳоли, электротариф манфаатла-

рини таъминлашга кўпроқ аҳамият қаратилаётганининг гувоҳи бўламиз. Жумладан, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, тиббий хизмат сифатини яхшилаш, соғлиқни сақлаш муассасаларини қайта таъмирлаш ва замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, хунармандларни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларнинг жамиятдаги фаолигини ошириш каби долзарб масалалар депутатларимизнинг доимий диққат-эътиборида.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида сиёсий партиялар, хусусан, партия фракцияси ва гуруҳлари зиммасига катта масъулият юқланди. Фаолиятимизга агар ана шундай мақсад-вазифалар нўқтани назари билан қарайдиган бўлсак, айрим туманлардаги партия гуруҳларимиз фаолиятини бугунги кун талабига жавоб беради, деб бўлмайди. Уларда ташаббускорлик, изланувчанлик, масъулият ва жонқуярлик етишмапти. Ана шундай камчиликларни бартараф этиш ва жойлардаги партия ташкилоти ҳамда партия гуруҳлари фаолиятига танқидий баҳо бериш, амалга оширилган ишлардан кўра, бажарилиши лозим бўлган масалалар ҳақида кўпроқ бош қотиришимиз лозим. Фикримча, депутатлар фаолиятини кучайтириш баробарида ҳудудий партия ташкилотлари ишини ҳам жадаллаштиришимиз, самарадорлигини оширишимиз керак. Бинобарин, депутат ўз сайловчилари билан қандай ишлаётгани, улар кўтараятган масалаларни ҳал этиш бўйича қандай ташаббус билан чиқаятгани партия кенгашларининг доимий доимий иш режасидан жой олиши лозим.

Мухтасар айтганда, бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар ва сиёсий модернизациялашув жараёнлари фаолиятимизга ҳамма танқидий кўз билан қарашимизни, партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда янада фаол, ташаббускор бўлишимизни тақозо этмоқда.

“Milliy tiklanish” мухбири
Илья ДИЛЬМАНОВ суҳбатлашди

Депутат минбари

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимининг демократлашуви

инсонпарварлик гоёларига асосланган

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб узоқ муддатли ва стратегик вазифа — инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш мақсади йўлида илҳомли ислохотлар амалга оширилмоқда. Мазкур жараёнда қонун устуворлигига эришиш “ўзбек модели”нинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Бу эса ўз-ўзидан ҳуқуқий давлатнинг муҳим таркибий қисми — суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислох этиш ва инсон ҳуқуқларини амалда самарали таъминлашни тақозо этади. Бу жараёнда соҳанинг қонунийлик асослари мустаҳкамланиб, демократик принциплар, адолат, инсонпарварлик гоёларига таянган ҳолда янги қонулар ишлаб чиқилди.

Президентимиз Ислам Каримов илгари сурган “ислохот ислохот учун эмас, инсон учун” гоёсига асосан инсон манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш суд-ҳуқуқ тизимини ислох этишининг асосий мақсади, энг муҳим вазифаси этиб белгиланди.

Дарҳақиқат, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари энг олий қадрият экани бугун жамиятимиз ҳар бир аъзосининг ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари таъминланаётганида ўз ифодасини топмоқда.

Мамлакатимизни демократик янгилашнинг энг муҳим йўналишларидан бири — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш. Бу эса шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини ислох демократлаштириш ва либераллаштириш билан чамбарчас боғлиқ. Бу борада юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш муҳим ва ҳал қилувчи вазифа ҳисобланади.

Таъкидлаш жоиз, сўнгги йилларда суд органларининг давлат бошқарувидаги ўрнини янада ошириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Суд мустақиллигини таъминлаш, уни собиқ тузумда бўлгани каби қатағон қуроли ва жазолаш идораси эмас, балки инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ишончли ҳимоя этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантириш йўлида тизимли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Ҳокимиятлар бўлинишига оид конституциявий принципни ислох амалга ошириш мақсадида “Судлар тўғрисида”ги қонун янги тахрирда қабул қилинди. Бу даврда жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал қонунчилигига тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди. Бу эса, ўз навбатида, суд тизимини ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсирдан чиқариш имконини берди. Шу билан бирга, судларнинг ваколатлари ислох кенгайтирилди. Зеро, ҳар қандай демократик давлатда мустақил суд тизими инсон ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган механизмнинг асосини ташкил қилади.

Конституциямизда белгилаб қўйилганидек, суд-ҳуқуқ ислохотларида, аввало, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқи ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат ташкилотларининг гафривонийлиги хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини кафолатлашга алоҳида эътибор қаратилди. Фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатларини кучайтирилди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг сайловолди Платформасида суд-ҳуқуқ соҳасини янада демократлаштиришга қаратилган қатор мақсад-вазифалар белгиланган. Партия ўзбек халқининг миллий анъана ва урф-одатларини ўзида акс эттирган, унга хос бўлган мурувват, кеңиримлик, инсонпарварлик ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар суд амалиётига жорий этилишини устувор вазифаларидан, деб билади. Шунингдек, маъмурий судлов соҳасига яраштурув институтини киритиш, турли низоларни халқимизга мансуб тинч йўл билан ҳал этишга интилиш ва муроа йўлини излашни долзарб ҳисоблайди.

Жамиятнинг демократия ва демократик ислохотлар йўлидан босқичма-босқич ривожланиб бориши кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқ. Шунга кўра, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фуқароларда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга кўмаклашишни суд-ҳуқуқ соҳасидаги муҳим вазифа сифатида қарайди. Фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти даражаси демократик жамиятнинг негизини ва ҳуқуқий тизим етуқлигининг белгисидир. Азал-азалдан мамлакатимизда ҳуқуқий маданият умумий миллий маънавиятнинг ажралмас таркибий қисми сифатида қабул қилинган. Шу боис партия Ўзбекистон халқига қадимдан хос бўлган бу фазилатни қонунга, давлат иродасига ҳурмат билан қараш менталитетини мустаҳкамлашга интилиб келади. Ҳар бир фуқаро қонуларни билиши билан бирга, уларни ҳурмат қилиши, қонуларда ифодаланган кўрсатмаларни онгли равишда бажариши зарур. Қонунга ҳурмат ҳуқуқий давлатнинг, сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар самарали фаолиятининг асосий талабларидан биридир. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда ҲўМТДП мамлакатда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билим тарғиботини тубдан яхшилашга қаратилган тизимли чора-тадбирлар қабул қилинишини муҳим вазифа, деб билади.

ҲўМТДПнинг бу борадаги мақсад-вазифаларини амалга оширишда партиянинг барча ташкилот ва депутатлик бирлашмалари фаол иштирок этишга интилиб келмоқда. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидеги Қонунийлик, ҳуқуқ тартибот ва фуқаролар ҳафсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссия раиси сифатида соҳага оид ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси, бунда депутатларимизнинг иштироки масалаларига алоҳида эътибор қаратамиз. Хусусан, партия гуруҳимиз ҳамда доимий комиссия аъзолари жойларда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини тарғиб этишга қаратилган семинарлар, давра суҳбатларида қатнашиб, фуқаролар, айниқса, ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги ва маданиятини янада юксалтиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Равшан САЙДАҲМЕДОВ,
Тошкент давлат техника университети ректори,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар
Кенгашига ҲўМТДПдан сайланган депутат

Қонунчилик палатасида

Назорат-таҳлил натижалари

қўмитанинг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама этилди

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Жорий йилнинг 9-13 ноябрь кунлари ўтказилган назорат-таҳлил ишлари давомида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вазирликнинг Тошкент шаҳар ва Фарғона вилояти бошқармаси, вазирлик тасарруфидеги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги, Фарғона вилояти ва Олтиариқ тумани ҳокимияти, “Ўзстандарт” агентлигининг вилоят бошқармаси фаолияти ўрганилди. Мазкур жараёнда Қонунчилик палатаси депутатлари билан бирга ахборот соҳаси мутахассислари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институти вакиллари билан иборат ишчи гуруҳи ҳам иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонунни амалиётга татбиқ этиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган. Хусусан, Интернет тармоғида барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий веб-сайтлари фаолияти йўлга қўйилган. Ташкилотлар фаолиятига оид зарур ахборотлар ҳамма кириши мумкин бўлган жойларга жойлаштирилган, архив ва ахборот-кутубхона фондлари орқали маълумот тақдим этиш, соҳада рўй бераётган янгиликлар билан танишиш имконияти яратилган. Давлат органлари ахборот хизматлари фаолияти самарали ташкил этилган.

Тадбир иштирокчилари назорат-таҳлил тадбири давомида давлат органлари фаолиятида очиқлик ва шаффоф-

ликни таъминлаш борасида олиб борилаётган самарали ишлар билан бирга, айрим камчиликлар ҳам аниқлангани алоҳида таъкидланди. Жумладан, вазирлик веб-сайтида мавжуд баъзи камчиликлар, Фарғона вилоят бошқармаси фаолиятида очиқликни таъминлаш борасида ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар кўрсатиб ўтилди.

Йиғилиш давомида оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институти вакиллари ўртасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқлик соҳасидаги фаолиятдан қониқиб даражаси бўйича ўтказилган социологик сўровнома натижалари эълон қилинди. Унга кўра, сўровномада иштирок этган ОАВ ва фуқаролик жамиятлари институти вакиллари 92 фоизи давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиб келмоқда, 95 фоизи қонун талабига мос равишда ахборот олишга доир сўровларига ўз вақтида жавоб олмақда, 98 фоизи давлат органлари ташкил этган тадбирларда иштирок этган.

Шунингдек, тадбирда назорат-таҳлил ишлари борасида тайёрланган видеоролик намойиш этилди.



Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири А.Абдуҳакимов вазирик тизимида ахборот очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусида маъруза қилди. Бу каби сўй-ҳаракатлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида муайян ишлар режалаштирилаётгани, назорат-таҳлил тадбирларида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан чоралар кўрилишини билдирди.

Йиғилишда сўз олганлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида очиқликни таъминлаш борасидаги ишларнинг истиқболдаги самарадорлигини ошириш тегишли қонуности ҳужжатларни ишлаб чиқиш

ва амалиётга татбиқ этиш билан боғлиқ эканлигини таъкидлади. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 6 ноябрдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонун қондаларини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар алоҳида аҳамиятга эга эканлиги эътироф этилди.

Депутатлар вазирлик ҳамда Фарғона вилоятидаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакилларига назорат-таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, ўзларини қизиқтирган саволлари билан мурожаат қилдилар. Ўз навбатида, қонун доирасида очиқликни таъминлашда самарадорликка эришиш йўллари хусусида тақлифлар билдирилди.

Тадбирда “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун вазифалари, қонунчиликнинг бошқа ҳужжатларини амалда самарали қўллаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматларининг фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Йиғилишда қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Мухтарама КОМИЛОВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Она тили — миллат руҳи

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Таржима ҳам ижод, ҳам масъулиятдир

Катта-кичиклигидан қатъи назар бирон асарни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш сўзларнинг муқобилини топиб ёзиб чиқиш эмас, балки матн маъносини талқин қилиш асосида бошқа тилда унга тенг келадиган матнни яратибди. Шу тариха асар қайта яратилади. Демак, таржимон ҳар икки тилни мукамал эгаллаган, уларнинг ўзига хосликларини пухта билган, мавзу бўйича зўр мутахассис бўлиши зарур. Худди шу сабабдан ҳам муаллифлик ҳуқуқи қонунчилиги таржима асарини алоҳида ҳимоялайди.

Нобел мукофотида сазовор бўлган С. Алексеевич ҳақида ўқувчиларга маълумоти берган "Бекажон" газетасида ёзувчининг "У войны не женское лицо" асарини деярли сўзма-сўз "Урушинг юзи аёлнинг юзи эмас" (?) тарзида ўзбекчага ўгирилиши асардан кўзланган муддаони англамаслик, таржима санъатидан анча узокликдан далолат. Ҳолбуки, муаллиф уруш аёлнинг иши, юмуши эмас, чуқки аёл муқаддас, у она, у дунёга келтиради, асло ўлдирмайди, бу унга хос эмас. У меҳр, тинчлик, гўзаллик тимсоли, аммо у қўлга қурол олиб ўлдиршига чоғландими, демак, қандайдир қабихлик содир бўлган, уруш бу қабохатдир, демокчи. Роман уруш, аёл каби азалий мавзуларнинг моҳияти, улар ўртасидаги зиддият тўғрисидадир. Шу сабабдан ҳам Иккинчи жаҳон урушини бошдан кечирган кексаларимиз "Юзи курсин урушинг" деганлар.

С. Алексеевич ижодининг Нобел мукофотида лойиқ топилганини асословчи русча таъриф таржимаси ҳам енгил-елпи бажарилган: Замонамиздаги қулфатлар ва қаҳрамонликлар ҳайкали бўлган кўп овозли ижоди учун (Для ее полифонических сочинений, памятник страдания и мужества в наше время). Рус тилида эса табиий равишда инглизчадан (For her polyphonic writings, a monument to suffering and courage in our time) ўгирилган. Полифония (polyphony) аслида мусиқага тегишли атама бўлиб, бошқа соҳаларда ҳам кўр-кўрона таржимада (многоголосие) қўлланилади ва сўзма-сўз ўғирганда кўп овозлиликни билдиради. Памятник сўзи фақат ҳайкални эмас, абадийлик, мангуликни ҳам англатишини эслатган ҳолда "Замонамиз уқубат ва мардликларига умрбоқийлик бахш этган сероҳанг асарлари учун" таржимаси ўзбекчага чиқарди, деб ўйлаймиз.

Гидрометеорология хизмати марказининг аввалроқ келтирилган маълумотида (перемнная облачность, к вечеру возможен дождь) қайтсақ, об-ҳаво маълумотларига аклимиз етадиган ёшимиздан шу кунгача "перемнная облачность" сўз бирикмаси неча минг марта эшитган бўлсақ, унинг таржимаси – "ҳаво ўзгариб туради" хабарини ҳам шунчалар тинглаганимиз. Ушбу мақолани ёзиш асосидагина облачность ўзбекчада булутлиликни билдиради-ку, нега шу чоққача ҳаво ўзгариб туради, деб келдик саволи тугилди! Ахир, ҳаво ўзгариши унинг булутланишидан ташқари илик, салқин, иссиқ, совуқ томонга ўзгариши, шамол туриши, туман тушиши, ёмғир, қор, дўл ёғишини ҳам билдиради-ку! Бинобарин, булут келиб-кечиб туради, кечга бориб ёмғир ёғиши мумкин, қабилда ёзсак тўғри чиқмайдими?

Худди шунингдек "слабый дождь" ни кучсиз ёмғир қабилда тўғридан тўғри таржима қилиб ёзиш қанчалик асосли? Қиёс учун: инглизлар мазкур ҳолатни slight rain тарзида ифодалядилар ва, ҳолатдан келиб чиқди, slight сифати кўп бўлмаган, енгил, майда, нозик сингари маъноларни англатади. Ёмғир кучли ё кучсиз бўлса-да, кун бўйи ёғиши мумкин. Об-ҳавочиларимиз эса, кучсиз ёмғир дея, бизни енгил-елпи ёғиб ўтиб кетадиган ёмғир ҳақида оғохлантирмоқчилар, деб ўйлаймиз.

Илгари замондаги ўзбек "дубляжи" зўр бўлганди, қабилдаги гап-сўзларни кўп эшитиб тураимиз-ку, лекин нега саволини бермаймиз. Ваҳоланки, жавоби жуда оддий: рус тилидаги киноасарлар сўзлашуви ни ўз ишининг усталари ўзбекчага ўғирган. Ушлаб мисоллардан биттаси: "Кавказ асираси"даги машҳур лавҳалардан биридаги "яшаш, сизларга айтсам, яхши; яхши яшаш – яна яхши; яша" сўзлари аслидаги "жить, как говорится, хорошо; хорошо жить еще лучше; точно"га кўра ширали ва қофияли жаранглашига "айбдор", шубҳасиз, таржимондир. Бугун аҳвол қандай? Бу борада далиллар тўлиб-тошиб ётганга қиргина, жуда кичик, бироқ олди олинмасга, оқибати қандай бўлишига ишора берувчи мисол билан чегараланамиз. Таржима киноасар қаҳрамонларидан бири иккинчисига нималарнидир обдон ўқдириб бўлгач, суҳбатдоши бир оғиз сўз айтди: мавҳумлик. Сўзлашув-фикрлашув мантиси, умуман ўзбекчада ифодага умуман номуносиб бу сўзни эшитиб, олдинга тушунолмай қолдик. Бир оз ўйлаб, асл сўзни топгандек ҳам бўлдик – абсурд. Унинг ўзбекчаси бор-ку – сафата, бемаънилик. Мавҳумлик эса – абстракция.

Бундай ажабтовур таржималар ташқи ёзувлар тармоғига ҳам хосдир. Юртимизга ташқаридан олиб кирилаётган маҳсулот ва хизматлар миллий манфаат ҳамда андоза, талабларга мос келиши шартли табиий ва

Тошгандан эмас, томчилагандан кўрқ

жуда тўғридир. Лекин улар баҳонасида ёпирилиб келаётган ахборот-чи? Хусусан, тил сиёсати нуктаи назаридан! Мисол тариқасида "қуруқ нонушта" номи остидаги маҳсулотларни олайлик. Русчадаги "сухой завтрак"ни сўзма-сўз ўзбекчалаштиришдан ясалган ушбу атама воқелигимизга ҳам, тушунчаларимизга ҳам мос эмас. Инглизчада breakfast cereal (сўзма-сўз таржимаси: галла-дон ўсимликларидан тайёрланган нонушта) деб аталадиган нонушанинг мазкур тури одатда сут билан аралаштирилиб, иссиқ ёки совуқ ҳолатда ейилишининг ўзиёқ унинг қуруқмаслигидан далолатдир.

Дори-дармонлар ҳақида ахборотнинг давлат тилида бўлиши шартли жорий этилганлиги қувонарли. Аммо бу каби ахборот русчадан ўзбекчага таржима қилинаётгани, ўғирувчиларнинг савияси турлича эканлиги сабаб ўзбек тили илмий қондаларининг бузилиши ҳолатларини кўп учратамиз: "Инструкция по применению"ни бирида "Фойдаланиш учун қўлланма", иккинчисида "Қўллаш бўйича йўриқнома", ҳар иккови ҳам кўр-кўрона таржима қилинган, аслида "Қўллаш йўриғи", "Дорини қўллаш йўриғи" деса ҳам бўларди-ку! Мазкур йўриқномадаги зарур маълумотларга оид кичик сарлавҳалар ҳам турлича ўғирилган: описание бирида ўрама, иккинчисида таърифи; противопоказание – қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар, қўллаш тавсия этилмайдиган ҳолатлар, передозировка – дозани меъридан ошириш, дозанинг ошириб юборилиши, форма выпуска – ишлаб чиқарилиши шакли, чиқарилиш шакли... Ҳар ҳолда учраб турадиган яна бир кўзга ташланмас, аммо анчайин жиддий ва хавотирли жиҳат: айрим ҳолатларда рус тилидаги "инструкция"да келтирилган барча маълумот ҳам ўзбек тилидаги йўриқномада учрамайди. Масалан, "Релаксол" дорисини қўллаш тавсия этилмайдиган ҳолатлар "инструкция"да тўртта, йўриқномада учта (ўзбекчасида ҳомилдорлик ва эмизги пайти тушириб қолдирилган). Яна бир муҳим томони: кўпинча ёзувлар жуда майда ҳарфларда берилади. Худди, ўқимасдан ичавер, дейилгандек. Ваҳоланки, дори-дармонга боғланганларнинг аксарияти бўлмиш ёши улугларнинг кўриш қобилияти анча паст бўлишини унутмаслигимиз керак эмасми?

Тилга олинган ноҳуш аҳволнинг сабаблари нимада ва улардан қандай қутулиш мумкин? Биринчидан, давлат ва жамоатчилик назоратининг сустлигида. Масалага чуқурроқ ёндашilsа, об-ҳаво маълумотларига доир нотўғри таржималар хусусида куюниш ва билагонлик кулгилдир. Чунки ўзимиздаги ҳар қандай соҳага оид ҳолат ва ҳодисаларни бошқа тилдан ўғирши йўли билан эмас, бошданқў ўзбекча ифодалашимиз лозим! Бу борада изчил ва қатъиятли бўлсак, иккинчи сабабини бартараф этган бўламиз. Яъни тегишли тармоқлардаги тил жараёнида тўғридан-тўғри давлат тилини қўллаш иши жонланади, мустақкамланади. Бу эса ўз ўрнида мазкур йўналишларда ўзбекча фикрлаш, ёзиш, сўзлаш тамойилини ривожлантиради. Учунчидан, четдан кириб келаётган маҳсулот ва хизматларга доир атама ва ахборотни ўзбекчалаштиришни тартибга солиш ва унда тилшуносларнинг қатнашуви алоҳида аҳамият касб этиши даркор. Тўртинчидан, таржимачиликка катта таъриба ва эътирофга эга мутахассислар оммавий ахборот воситалари, ташқи ёзувлар тизимида амалга оширилаётган таржималар юзасидан ўз таҳлилий ва танқидий фикр-баҳоларини муттасил эълон қилиб борсалар, адабий тил меъёрларига риоя қилишдек умумий ишга оғизда эмас, амалда муносиб улуш қўшган бўлардилар.

Зарарига ўргатиш зolimликдир

Биз ўзбеклар ўргатишга ҳам, ўрганишга ҳам иқтидорли бор миллатимиз. Шу билан бирга Ватанимиз минг йиллар давомида жаҳон маданий ўчоғларидан бири бўлгани сабаб турли маданиятлар биз томон талипинган кенглик ҳаммиз. Мазкур омил ўлароқ энди ҳам энг илғор ўзга ютуқ ва таъриба-лардан фойдаланишимиз табиий ва заруратдир. Лекин бир шарт билан: мазкур жараён миллий манфаатларимизга хизмат қилсин, кучимизга куч, билимимизга билим қўшсин, зинҳор зиён келтирмасин. Йигин, давраларда, "бугунги ёшлар китоб ўқимай қўйди" каби гап-сўзлар "урф"га айланганидан яхши хабардоримиз. Тўғриси, биз ҳам фарзандларимиз китобхонлик қилиши тарафдоримиз. Аммо замона зайли, деган қоида бор. Турли йўналишлар бўйича ахборот тайёрлаш ва узатиш воситалари ривожлангандан-ривожланиб, кун ё тунда, уй

ё ўқишда, тўй ё кўйда, ишхона ё ошхонада, хуллас, қаерда бўлманг, сизга ҳамроҳ бир парча ялпоқ шишага (телевизор, турар ва юрар компьютерлар, телефон, ҳатто қўл соатлар) бир зумда "шўнғиб" ундаги ахборотлар уммонида, жумладан китоб, газета, журнал, қомус, қўйинг-чи, хоҳлаган мавзунгиздаги оқимларда бемалол "сузиш", баҳраманд бўлиш имкони турганда, дўқондан китоб сотиб олиб ўқиш!? Ёшларни кўя турарайлик, ўзимиз ҳам илмий ижодимизга зарур манба ва адабиётларни асосан электрон кутубхоналардан олаётганимизга анчамунча вақт бўлиб қолди. Негаки, тез ва қулай. Шу билан бирга Интернет тармоғининг ишқал томонлари ҳам борки, улардан фақат биттасига тўхталиб ўтмоқчимиз. Яъни хорижий манбалардаги оммабоп нарсаларни ўйламай-нетмай, кўр-кўрона ўзлаштириш орқали тил маданиятимизгагина эмас, балки миллий дунёқарашимизга ҳам киши билмас зиён етиши мумкин.

Оғирроқ аёллар танасида туз йнгилишининг олдини олиш мақсадида "Бекажон"даги тавсияга қаранг: тузланган бодринг, помидор, селёдка емаслик. Ё бўлмаса, "Рафиқангиз қалбини иситинг" сарлавҳали ўхшатишда "Аёл қаҳва кабидир. Агар унга эътибор бермай, бепарво бўлсангиз, музлаб, совиб қолади" маслаҳати нима дейсиз!? Музлаган нарсанинг совиб қолишига оид гализликка кўз юмиш мумкиндир, бироқ ўзбек аёлини қаҳвага ўхшатиш... Бунга ҳам чидаш мумкин, лекин ажралишга мажбур бўлган аёлнинг "26 ёшимда тўрт яшар қизим билан ёлғиз қолдим. Эримдан ажралишим мени буткул ўзгартириб юборди: ўз соҳамда тақомиллаша бошладим (тўғрироғи, бошим билан ишга шўнғидим, янги лойиҳалар бўш вақтининг мазмунига айланганди)... кўпчилик дил тил топишиш унчалик қийин эмаслигини билдимдан хис қилдим ва энди ҳаммасини ўзим эллашимга ишондим" қабилдаги сўзлар билан бошлангандиган хатига (?) ҳамда ажралишга аҳд қилган отанининг бу ҳақда, албатта, фарзандлари билан гаплашишлари кераклигига доир "рухшунослар маслаҳати"га қуйишнинг ҳам, қулишнинг ҳам билмайми: фарзандларга ҳақиқатни айтиш шарт, "биз алоҳида яшашга қарор қилдик, лекин бу вақтинчалик эмас, болам (яъни даданг узоқ сафарга кетаётгани йўқ, у энди биздан алоҳида яшайди)"; "биз аввалгидек сенинг ота-онанг бўлиб қоламиз, меҳримиз ҳам ўзгармайди, айро яшаганимиз билан сен учун бирдек вақт топамиз" дейиш ўринли бўлади ва шу сингари. "Маслаҳатлар" сўнггида бола нимани англаши кераклиги ҳам ўқдириб ўтилган. Масалан, ота-онанинг ҳам айби йўқ, бундай ҳолат яхши одамлар орасида ҳам содир бўлиб туради, демак, уларнинг алоҳида яшашига қулайроқ экан.

Билмадик, балки замондан ортда қолиб кетгандирмиз, аммо ўзбекча дунёқараш ва муҳитга умуман қовушмайдиган ушбу "хат" ва "маслаҳатлар" гарбона воқеликдан, аниқроғи, русча сайтлардан ўзлаштирилгани шундоққина сезилиб турибди ("Эримдан ажралишим мени буткул ўзгартириб юборди", "ўз соҳамда тақомиллаша бошладим", айниқса, "янги лойиҳалар", "демак, уларнинг алоҳида яшашига қулайроқ экан" кабилар ўзбекчамас-да, ахир). Қолаверса, уни ўқиганларда оилани сақлашга интилишдан кўра ажрашса, рухшунос айтгандай, боласига тушунтирса ва у тушунса, бўёнга яхши ҳаёт кечирши мумкин экан, хулосаси қатъийлашмайди?! Ўзбек оиласини мустақкамлайдиган бош омил – фарзандни тирик етим қилмаслик ўйи эмасми?!

Таълим, илм ва тил

Ўргатиш ва ўрганиш тил ёрдамида амалга оширилади экан, тил омилнинг таълим жараёнидаги аҳамиятига катта эътибор бериш тақозо этилади. Шу муносабат билан таълим муассасаларида она тили ва адабиёт, шунингдек, бошқа ижтимоий фанларни ўқитиш масаласини танқидий ва таҳлилий кўриб чиқиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Аввало, она тили ва адабиёт фанлари бўйича давлат андозалари, дарсликлар, ўқитиш усулини ўтган йиллар таърибаси ҳамда олдимизда турган вазифалар нуктаи назаридан тақомиллаштириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Ёшларимизнинг она тили ва адабиёт йўналишларидаги билимларига нисбатан талабни ошириш юзасидан олий ўқув юртига киришдан ишончи тиклаш хусусида гап-сўзлар анчадан бери бор. Биз бунга қаршимиз. Зеро, акс ҳолда мавжуд синов тизими бузилади. Масаланинг бошқача ечими бор: умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълимда синфдан-синфга, босқичдан-босқичга ўтишда она тили ва

адабиёт фанларидан имтиҳон жорий этиш мақсада мувофиқ бўлар эди. Қолаверса, тил фақат она тили дарсларидагина ўрганилади, десак хато қиламиз. Қолган фанлар бўйича дарсликларнинг тили ҳам аслида она тилидир. Тарих, география, математика, физика, кимё ва бошқа дарсликлар тилининг пухта, силлиқ, аниқ ва содда, бир сўз билан айтганда, мукамаллигига эришолсак, бир томондан, она тили дарсларида олинган сабоқларни мустақкамлаб борамиз, иккинчи томондан эса сўз кетаётган фанларга оид билимларни ёшлар "миясига қуйиш" жараёни анча енгиллашади.

Юртбошимизнинг "Айни вақтда жамиятимизда тил маданиятини ошириш борасида ҳали кўп иш қилишимиз лозимлигини ҳам унутмаслигимиз... аждоқлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойлиқнинг ворислар сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини янада ошириш устида доимий ишлашимиз зарур" сўзлари жамият ва фуқаролар учун даъват бўлса, олимлар учун топширик, деган бўларди. Чунки ўзбек тили тўғрисида қайғуриш бурчи ҳаммадан ҳам кўра олим, мутахассисларнинг зиммасидадир. Айнан улар оммавий ахборот воситалари орқали соҳага доир муаммолар, ҳаттоликлар бўйича асосли ва узлуксиз равишда таҳлилий чиқишлар қилишлари лозим. Яна бир тақлиф: биз алифбони ўзгартирдик, аммо товуш масаласида қиладиган ишларимиз бор. Кирилл алифбоси ўз йўлига, бироқ нима учун лотинчада ҳам ширинликлардан тўртни торт, Ўскарни Оскар, тўннани тонна, Ҳенри (Henry), Ҳамлет (Hamlet), Ҳамбург (Hamburg), Ҳеррера (Herrera), Чарлс (Charles)ни Генри, Гамлет, Гамбург, Эррера, Карл ёзамиз ва ўқиймиз? Аммо Ҳимолайни Гималай деймайми? Умуман бу борада аниқ қоида борми ўзи? Ё бўлмаса, ал-Хоразмий, ал-Беруний баробарида Мунис Хоразмий, Ҳайдар Хоразмийни ҳам қўллаймиз. Мисрни Египет, Уммонни Оман шаклида ёзмаймиз-у, Ўрдунни Иордания, Жомалунгмани Эверест қабилда қўллаймиз. Бахрайини Бахрейн тарзида ҳам ёзиб-ўқиб кетаверамиз.

Тўри, миллий тил бошқа тиллардан кириб келган сўзлар ҳисобига ҳам бойиди. Бу табиий жараён, аммо у меъёр, ақли расолик асосида кечиши керак. Телевизор, радио, газета, журнал, автомобиль, метро, транспорт, вокзал, самолёт, аэропорт, автобус, трамвай, мотоцикл, зал, пластик, робот, электрон, иммунитет сингари яна бир қатор бошқа сўзлар тушунари ва луғатимизда ўрнашиб бўлдилар, ҳолбуки уларнинг кўпчилиги тилимизга тўғридан-тўғри "ўз ватани" тилидан эмас, балки биз мажбуран яшаган мустамакка тузумининг ҳукмрон тилидан кириб келган. Рус тилига эса улар бирламчи луғатдан олинб, табиий равишда шу тил қондаларига мослаштирилган ва ҳолисона айтганда тўғри ҳам қилинган.

Утган аср саксонинчи йиллари ўрталарида юртимизга илмий сафар қилган канадалик шарқшунос олимга тилмочлик қилиб юрганнимизда, нега сизлар "алержи"ни "аллергия" дейсизлар, дея сўроққа тутганди. Ушбу масала бугун ҳам ўз амалий аҳамиятини йўқотган эмас. Энди бу саволини фарзандларимиз бермоқдалар. Негаки, ёзиш, ўқиш лотин алифбосида ўрганмоқдалар, инглиз тилини пухта ўзлаштирмоқдалар. Халқаро сўз, атамаларни улар биз каби ўртақаш тил воситасида эмас, тўғридан тўғри асли орқали билмоқдалар. Таҳлил қилинаётган муаммолар худди "жонли эфир" мисолидаги каби фақат совиқ империя таъсирида бўлган тиллардагина бор. Демак, олимларимиз ўз тилимиз хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ҳарф ва товуш муносабатига, турли атамаларга алоқадор масалалар ечими устида жиддий изланишлар, муҳокамалар олиб боришлари, натижаларини эса белгиланган тартибда тақдим этишлари тақозо этилади.

Меҳр кўзда

Тилимизни асраш, уни ташқи таъсирлардан қўриқлаш йўлида айрим муаммоларни ҳуқуқий-маъмурий йўл билан ҳал этишимиз зарур, деб ишонамиз. Тўғри, "Давлат тили ҳақида"ги қонунда (20, 21-моддалар) лавҳалар, эълонлар, нархномалар матнлари давлат тилида расмийлаштириб, эълон қилиниши ҳамда бошқа тилларда таржима эти берилиши ҳам мумкинлиги, шунингдек, корхоналарда ишлаб чиқариладиган маҳсулот давлат тилидаги ва бошқа тиллардаги ёрликлар, йўриқномалар билан таъминлини белгилаб қўйилган. Амалда-чи? Юмшоқ қилиб айтганда, қонун талаби ўзбек

тилининг зарарига бажарилмоқда, аниқроқ айтсак, бу борада ҳар ким ўз дунёқарашини ва савиясига кўра иш тутмоқда.

"Меҳр кўзда" мақолани яна бир эслатган ҳолда ташқи ёзувлар соҳасини қонун йўли билан тартибга солиш зарурлигини алоҳида ургулаган бўлардик. Бу ерда гап уларнинг давлат тилида бўлишига эмас, балки йилдан-йилга чирой очиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфасини бузишга ҳеч қимнинг ҳаққи йўқлигини таъкидлашда ҳамдир. Масалан, кундан-кунга қад кўтариб бораётган муҳташам биноларнинг хусусига доғ тушираётган реклама, умуман турли ахборотдан иборат ташқи ёзувларга кўзингиз тушса, дилингиз хира тортади. Бирин лотинчада бўлса, иккинчиси кириллчада, ҳарфларнинг ўлчови ва тури ҳам бир-бирдан ранг-баранг, бири матога эмас, бошқаси пластик ё тунукага, бири томга чиқариб қўйса, иккинчиси дераза тепасига, учинчиси тўғридан тўғри дераза устига ўрнатиб кетаверади. Айрим тегра-ларнинг ўзига хос тарихий-маданий муҳити борлигини эслаш у ёқда турсин, билмайдилар ҳам. Ташкилотларга доир лавҳаларни мақсаддан келиб чиқиб, мантқиқ ва дид асосида тартибга солишга катта эҳтиёж бор, деб ишонамиз.

Девор, дарахт, устунларга ўрнатилган турфа эълонлар, шахсий автомобиллардаги ёзувлар-чи? Ҳар йили, Хотира ва қадрлаш куни арафасида айрим шахсий автомобиллар орқа ойнасидаги "спасибо деду за великую победу" сўзларига одамларимиз парво қилмай қўйди. Ваҳоланки, уйингда шағам ёқиб нимагадир сизининг мумкинчидан, аммо кўчага чиқингини, жамоат икирдасан, озгинча келганини айтиб, қўнглинг тусоганини ёзиб кўрсатишга ҳақинг йўқ!

Ахборот технологиялари асрида яшайми. Компьютер, телефон, телевизор, тасвир ва овозни жонлантурувчи турли мосламалар билан ишлаш, уларни бошқариш, сошлашга доир амалиётлар (кўрсатма, буйруқ, йўриқнома ва бошқалар) ёзувлари ўзбек тилида бўлиши керак. "Глобаллашиб боряпмиз", инглиз тили халқаро тил дегучилар диққатига: япон, хитой, корейс, араб, форс ва ўзга қатор тилларда мумкин-у, ўзбекчада иложсиз экан-да? Жуда мумкин ва шарт! Қолаверса, ўзимизда "Shivaki", "ArTel" белгиси остида ишлаб чиқарилган телевизор, қўл телефонларидан сўз кетаётган ёзувлар ўзбекчалаштирилган. Аммо четдан олиб қирилатган шу каби маҳсулотларда бу нарсаси йўқ. Ҳолбуки, муаммо ечими жуда оддий – дори-дармонлар йўриқномалари давлат тилида бўлиши лозимлиги бўйича қарорни қабул қилишни уддалаган эканмиз, нима учун бунисини эплай олмаимиз?! Қолаверса, тоғдек туоладиган мазкур масала дас-турлаш йўлида бир зумда ечилади, ўзбекча матнларни тайёрлаб берсак бас!

Келтирилган бир ҳовучгина, атайин кетига тушиб эмас, футбол ўйинларини томоша қилаётганда, у ёки бу ҳолатда қулоққа чалинган, кўзимиз тушган мисоллардир, ҳолос. Айниқса, ёш санъаткорлар қуйлаётган қўшиқ матнларидан узлуксиз учраб турадиган бемаъниликларга тўхтаганимизча йўқ. Бу ерда гап кўрсатув, эшиттириш олиб борувчи, матн тайёрловчи ходимлар ҳақидагина эмас, тизимда ишловчи барча, айниқса, масъуллар ҳақида ҳам кетмоқда. Акс ҳолда ёшларнинг севимли ижрочиси ўз ижод йўналишини аниқлаштириш ниятида гапни "менинг ампулам", деб бошлашга ўхшаш, "Леонардо бир ампуладаги актёрлар сирасидан эмас" сингари нарсалар чоп этилаверди, ампула билан ампуладан фарқига у ҳам, суҳбат олаётган муҳбир ҳам, Леонардо ди Каприо ҳақидаги русча маълумотларни Интернетдан ўзлаштираётган ҳам, уларнинг тепасида турувчилар ҳам бормагач, бошқалардан нимани қутиш, талаб қилиш мумкин?

Тил билан ўйнашиб бўлмайди. Сут билан кирган, жон билан чиқади! Бола жуда эмса, икки йилгача боради, оммавий ахборот воситалари, ташқи ёзувлар, жумладан, реклама ва бошқа таъсирлар унга бутун умр ҳамроҳ бўлади. Асоссиз битта янги, бегона сўз, жумла ёҳуд гапнинг бошқачароқ тузилиши, гализ таржима, нотўғри маърифий, кўнгилочар ахборот йиллар давомида она тили, адабиёт ва бошқа фанлар, манбалардан олинган, олинаётган сабоқлар, тарбияни бир зумда чил-парчин қилиши ҳеч гап эмас. Мафкуравий иммунитетимизнинг киши билмас емирилиши шундан бошланади. Зеро, "Тошгандан эмас, томчилагандан кўрқ" оғохлантирилиши бежиз тугилмаган...

Азамат ЗИЁ,
ЎЗМТДП фракцияси аъзоси,
тарих фанлари доктори, профессор

Тарғибот

Қабул қилинаётган қонунлар амалиёти

унинг мазмун-моҳиятини англашга бевосита боғлиқ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Олий Мажлис Сенатининг тўртинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар ва қабул қилинган қарорларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказишга бағишланган йилги бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳридан сайланган сенаторлар, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлари, бир қатор масъул ташкилотлар раҳбарлари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Ялпи мажлисда 15 масала, жумладан, етти қонун муҳокама этилган бўлиб, уларнинг биттаси янгидан, учтаси янги тахрирда ишлаб чиқилган, учта қонун эса амалдаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, айримларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидадир.

Унда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг йигирма уч йиллиги муносабати билан Президентимиз тавсиясига би-

ноан амнистия тўғрисида қарор қабул қилинган халқимизга мансуб бағрикенглик ва миллий қадриятларга ҳурматнинг давлат сиёсатидаги аққол ифодасидир. Жумладан, Олий Мажлис Сенати қарориди аёлларни, вояга етмаганларни, 60 ёшдан ошган эркекларни, чет давлатларнинг фуқароларини, шунингдек, фуқароларнинг бир қатор бошқа тоифаларини жазодан озод қилиш назарда тутилган суд-ҳуқуқ ислохотларида ҳам мазкур гоя ўз аксини топганини кўрсатади.

Тадбир иштирокчилари амнистия тўғрисидаги қарор ижросини таъминлаш суд-ҳуқуқ органлари билан бир қаторда вакиллик органлари, жумладан, депутат ва сенаторлар зиммасига катта масъулият юклашнинг алоҳида таъкидлашди. Олий Мажлис Сенати аъзолари, маҳаллий Кенгашларда фаолият юритаётган партия гуруҳлари, бир сўз билан айтганда, фуқаролик жамиятининг барча институти ўзаро ҳамкорликда ижтимоий шериклик муносабатлари асосида амнистия акти ижросини таъминлашда фаол иштирок этиши, масъулият

билан ёндашиши муҳим аҳамиятга эга. Бу, ўз навбатида, амнистияни қўллашнинг барча босқичида очиклик, ошкоралик ва адолатлиликни таъминлаш, жамоатчилик назоратини мустаҳкамлаш имконини беради.

Йилги мажлисда ахборот-коммуникация соҳаси ривожланишида яқинда қабул қилинган "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонуннинг аҳамияти ҳақида сўз борди. Мазкур қонуннинг кучга кириши соҳада янги босқични бошлаб беради: давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш, унинг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш борасида мустаҳкам ҳуқуқий асос вазифасини ўтайди. Қонунда "бир дарча" тамойили асосида электрон давлат хизматлари кўрсатиш белгилаб қўйилган ҳужжат алмашиш имкониятларини кенгайтиради, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро алоқанинг самарали механизмларини яратиш, электрон давлат харидлари тизимини ривожлантиришга хизмат қилади.

Қонун "электрон ҳукумат" тизимини жорий этишнинг асосий йўналишларини аниқ белгилашга, давлат органлари фаолиятида фуқаролар ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ахборот технологияларидан фойдаланишни кенгайтиришга, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг самарадорлиги, шаффофлиги ва очиклиги даражасини оширишга кўмаклашиши билан долзарб аҳамиятга эга.

Депутатлар мазкур қонуннинг мурожаатларни кўриб чиқиш тезкорлиги, мансабдор шахслар масъулияти ва ижро интизомини оширишга, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларига ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан мансабдор шахслар ҳисоботини тинглаш борасида кўмаклашиши, назорат-таҳлил фаолиятини янада кенгайтиришга хизмат қилишини эътироф этди.

Тадбир сўнггида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари худди шу йўналишдаги йилги иш ва учрашувларни ўзлари сайланган ҳудудлардаги барча корхона, ташкилот, муассаса, жумладан, фуқаролар йиғинлари, таълим масканларида уюштириши, қабул қилинган қонунларнинг моҳиятини кенг оммага етказиши, бу борада тушунтириш ишларини ўтказиш лозимлиги хусусида келишиб олинди.

Умида УЗОҚОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Кучли фуқаролик жамияти сари

Бугун юртимизда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида маҳалла институтини изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётган. Қадриятлар бешиги ҳисобланмиш бу маскан жамиятда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш, ёш авлод тарбияси, оила институтини, аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутди.

кунда Яраштурув комиссияси фаолларининг саъй-ҳаракатлари билан оилавий, кўна-қўшнилар ўртасидаги низолар сўнгача етиб бормади, ўзаро келишув, ярашув муносабати билан ечим топмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 9 ойи давомида комиссия аъзолари саъй-ҳаракати билан вояга етмаганлар тарбияси, одоб-ахлоқини назоратга олиш мақсадида мамлакатимиз бўйлаб 19 мингдан ортиқ профилактика-тушунтириш ишлари ўтказилган диққатга сазовор.

Ярашув институтини амалга ошириш

бу жараёнда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам фаол иштирок этмоқда

Истиқлол йилларида маҳалла тушунчасининг илк бор Конституцияга киритилгани, сўнгги йилларда ҳокимият ваколатига кирувчи 30 га яқин вазифа айнан фуқаролар йиғини маҳаллага юклатилгани бугун маҳалланинг давлат ва жамият ҳаётидаги иштироки тобора кенгайиб бораётганидан далолатдир.

Шу ўринда маҳалла мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизими, жиноят қонунчилигини босқичма-босқич либераллаштиришга қаратилган кенг кўламли ислохотларнинг ҳам бевосита иштирокчисига айланиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, сўнгги йилларда юртимиз суд-ҳуқуқ тизимига ярашиш муносабати билан жинойи жавобгарликдан озод қилиш институти жорий этилгани ва бу институтининг самарали ишларини таъминлашда бир қатор масъул ташкилотлар билан бирга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаол иштирок этаётгани эътиборга молик. 2013 йилда янги тахрирда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонунга мувофиқ фуқаролар йиғини ҳузурда Яраштурув комиссияси фаолияти йўлга қўйилиб, унинг зиммасига оилавий низоларнинг олдини олиш, ёшларни ёт гоғлар таъсиридан ҳимоялаш, улар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига йўл қўймалик, бир сўз билан айтганда, оилалар ва маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш вазифалари юклатилди. Катта ҳаётий тажрибага, эл орасида ҳурмат-эътиборга эга отахон-онахонлардан иборат мазкур комиссия аъзолари маҳаллаларда тинчлик-осойишталикни сақлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Бугунги

тимойи ҳаётга мослашуви, доимий иш ўрнига эга бўлишига кўмаклашишда мазкур комиссия фуқаролар йиғинининг "Маҳалла посбони" жамоатчилик тизимини билан ўзаро ҳамкорликда кенг қамровли ишларни амалга оширишмоқда. Бунда ҳудуддаги ички ишлар органлари профилактика инспектори, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими, хотин-қизлар кўмитаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳудуддаги бошланғич ташкилотлари ўзаро ижтимоий шериклик муносабатлари асосида фаолият юритади. Фуқаролар йиғини биносидида Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими тақдим этган бўш иш ўринлари ҳақидаги эълонлар ҳар ойда янгилан борилаётгани эътиборга молик.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда жинойи жазолар тизимининг либераллаштирилиши замирида, энг аввало, инсонпарварлик, жамиятда инсон ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояси устувор эканлиги ва бу ислохотларни амалга ошириш жараёнида маҳалла имкониятларининг тобора кенгайиб бораётгани миллий давлатчилигимиз мазмун-моҳиятини намоён этади. Демак, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари бўйича миллий институтининг ривожлантириш, уларнинг давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш кучли фуқаролик жамияти йўлида муҳим қадам бўлиб хизмат қилади.

Файрат УСМОНОВ,
Суд ижрочиларининг Сергели тўман бўлими бошлиғи,
катта суд ижрочиси

Танлов

Инсонга наф келтириш — олий бахт

Пойтахтимизда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши журналистика соҳасида ташкил этилган "Инсонга наф келтириш — олий бахт" республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси ўринбосари Т.Тешабоев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда инсон манфаатлари устуворлиги, аҳолини аниқ, кучли ва манзилли тарзда ёрिताётган оммавий ахборот воситаларига қаратилган доимий эътибор юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Бу борадаги ислохот ва уларнинг моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишда оммавий ахборот воситаларининг роли беқиёс. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши анъанавий тарзда ўтказиётган "Инсонга наф келтириш — олий бахт" кўрик-танлови бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларни кенг ва таҳлилий тарзда ёрिताётган оммавий ахборот воситалари вакилларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

— Танлов нуфузи ва кўлами йилдан-йилга ошмоқда, — дейди Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши матбуот хизмати раҳбари Муҳаббат Ўрмонбекова. — Ёриштирилган мавзулар мазмун жиҳатидан кенгайиб бораётгани ҳам эътиборга молик. Бу йил мамлакатимиздаги босма ва электрон оммавий ахборот воситаларининг 100 дан ортиқ вакили ўз ижодий ишини тақдим этди. Уларда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш, тинчлик-осойишталикни таъминлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатини изчил давом эттириш, баркамол авлоднинг тарбиялаш йўналишларидаги ислохотлар моҳияти ҳамда уларнинг ҳаётимиздаги ўрни ижодий таҳлил қилинган.

Босма ва электрон оммавий-ахборот воситалари иштирок этган йўналишлар бўйича ғолиб ҳамда совриндорлар аниқланиб, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз



Соғлом бола — юрт таянчи

МММда

Халқаро стандартлар асосида

Миллий матбуот марказида "Ўзфарманоат" акциядорлик концерни тизимида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар натижалари ва келгуси вазифаларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Тақдирландики, юртимизда истиқлол йилларида соҳага қаратилган алоҳида эътибор, шу жумладан, 283 миллион АҚШ доллари миқдоридида инвестиция жалб қилинган натижасида дори воситалари ишлаб чиқариш ҳажми 46,9 миллион сўмдан 574,2 миллиард сўмга етказилди. Жорий йилда эса бу борадаги ўсиш суръати 122 фоизни ташкил этиши кутуляпти.

— Албатта, ҳозирги соғлом рақобат муҳитида маҳсулот сифати муҳим аҳамиятга эга, — дейди "Ўзфарманоат" АК ишлаб чиқаришнинг ривожлантириш ва лойиҳаларни маҳаллийлаштириш бўлими бошлиғи Бахтиёр Алимухаммедов. — Шу боис компанияда ушбу масалага устувор аҳамият қаратилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз фармацевтика саноати ички бозорнинг учдан бир қисmini маҳаллий дори воситалари билан таъминлайдиган йиллик соҳага айланди. Фармацевтика корхоналаримиз томонидан тўқсонга фармакотерапевтик гуруҳга мансуб бир ярим мингга яқин дори воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Бу ишлар кўламини

кенгайтириш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш, маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш доимий эътиборда. Ҳозирги кунда қирқ иккита маҳаллий корхонада ISO-9001 сифатни бошқариш тизими ва саккизта корхонада GMP халқаро стандарти жорий этилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 11 февралдаги "2015-2019 йиллар учун тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида"ги қарори асосида бу борадаги ишлар кўламини кенгаймоқда.

Анжуманда қайд этилишича, концерн тизимидаги корхоналарда ўттизга яқин лойиҳа ҳаётга татиқ этилган. Натижада 2015 йилда йиғирмата фармакотерапевтик гуруҳлар бўйича олти беш номда янги дори воситалари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, қарийб олти миллион доллар миқдоридида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришилган.

Тадбирда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар, ўзлаштирилган янги маҳсулотлар, экспорт ҳажмини ошириш бўйича бажарилаётган чора-тадбирлар самаралари, фармацевтика саноатини ривожлантириш истиқболларига оид маърузалар тингланди.

Дилфуза РЎЗИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

"Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси Миллий матбуот марказида босма нашрларга 2016 йил учун обунани ташкил этиш, нашрларни обуначиларга белгилашга мўддатда етиб боришни таъминлаш, хизматлар сифатини яхшилаш масалаларига оид матбуот анжумани ўтказилди. Унда компания масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Обуначиларга даврий нашрлар

ўз вақтида етказилади

Тадбирда "Матбуот тарқатувчи" АК бош директори ўринбосари Маҳмуд Орипов кўрилган масалалар юзасидан маълумот берди.

— Бугунги кунда компания тизимидаги корхоналарда вақтли матбуот нашрларини, чакана савдо ва обунани орқали истеъмолчига тез етказиб беришни, хизматлар сифатини янада такомиллаштирилишини таъминлаш ҳамда тизимни ривожлантириш мақсадида "2015-2018 йилларда вақтли нашрларни тарқатиш тармоғини ривожлантириш дастури" ишлаб чиқилиб, унинг ижроси назоратга олинмоқда, — деди М. Орипов. — Ушбу дастурнинг асосий стратегик йўналиши — тизимга инновация янгиликларини киритиш, мамлакатимиз аҳолисининг вақтли матбуот нашрларига бўлган эҳтиёжини қондириш, тез ва сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида вақтли матбуот тарқатиш тизимини замонавийлашти-

ришдан иборат. Жорий йилда компаниянинг обунани расмийлаштириш ва етказиб бериш харажатлари бўйича тарифлари сезиларли даражада пасайтирилди ҳамда "Ўзбекистон почтаси" АЖ филиалининг даврий нашрларни вилоят марказларига етказиб бериш тарифлари ўтган йил миқдоридида сақлаб қолинди. Шунингдек, компания имкониятларидан келиб чиқиб, айрим нашрлар, хусусан, ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга ва болалар нашрларига имтиёзлар қўлланилди.

2016 йил обунасини уюштиришда аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида гавжум жойларда 840 "Матбуот" дўконлари орқали вақтли матбуот нашрларига обунани қабул қилиш ташкил этилган.

Компания вакиллари берган маълумотга кўра, вақтли матбуот нашрларини муштарийларга тарқатишда компания вилоят почта алоқаси филиаллари, "Халқаро почта" филиали, барча туман почта боғламаси ва алоқа бўлимлари билан ҳамкорлик қилмоқда. Обуначиларга тез ва сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида 66 автомашина таъмирланиб, 46 янги автотранспорт сотиб олинди, яна 30 автомашина харид қилиш бўйича шартномалар имзоланди.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб қайтарилди.

Аҳмад ЮСУПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Тадбир

Ёш мақомчилар танлови

Ўзбекистон давлат консерваториясида "Ёш мақом ижрочилари" республика танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Танлов Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган.

Танловдан мақсад — мумтоз мусиқа ва ашулчиликни янада сайқал топтириш ва келгуси авлодларга етказиш, миллий мусиқа санъатининг равнақ топтириш, унинг қадимий анъана ва мактабларини тиклаш, мусиқа соҳасидаги маданий-маърифий ҳамкорликни мустаҳкамлаш. Унда иштирокчилар мумтоз кўшиқларини, созандалар эса танбур, дутор, рубоб, уд, чанг, қонун, най, қўшнай, гижжак, доира, ногора каби миллий чолғуларимизда куй ижро этди.

— Юртимизда ёшларнинг ўз ижодий интелектуал салоҳиятимизни намоён этишимиз учун барча имконият яратилган, — дейди мақом ашула ижрочилиғи бўйича танлов иштирокчиси Адолатхон Исмоилова. — Бу каби танловлар эса биз ёшлар учун ўзига хос маҳорат мактабидир. Бу эса мақом ижрочилиғидек мураккаб санъат турида ижод қилиш учун ўз фаолиятимизга янада теран назорат ташлаш имкониятини беради.

"Ёш мақом ижрочилари" танловининг республика босқичида ҳудудий босқичларда муваффақиятли иштирок этган 64 нафар яққа мақом ижрочилари, созандалар ҳамда иккита созандалар ансамбли иштирок этди. Танлов иштирокчилари ижро этган асарларнинг мусиқаси, шеър матни, бадиий савияси, ижро маҳорати, танлаган либослари ҳамда сахна маданиятига алоҳида эътибор қаратилди.

Танлов якунида мақом ашула ижрочилиғи (эркак хонандалар учун), мақом ашула ижрочилиғи (аёл хонандалар учун), мақом чолғу ижрочилиғи (яққа созандалар ўртасида) йўналишлари бўйича ғолиблар аниқланди.

Ғолибларни тақдирлаш маросими 25 декабрь куни бўлиб ўтди.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Руминия парламенти

икки палатали бўлиб, уч йўналишда қонунлар қабул қилади



Руминия парламенти қонун чиқарувчи ва олий вакиллик органи бўлиб, Депутатлар палатаси ҳамда Сенатдан иборат. Иккала палата аъзолари умумий, тенг, тўғридан-тўғри, яширин овоз бериш йўли билан сайланади. 18 ёшга тўлган мамлакат фуқароси сайлаш ҳуқуқига эга. Қуйи палатада 332 депутат, юқори палатада эса 137 сенатор фаолият олиб боради. Мамлакат фуқароларидан ҳар 70 минг нафари қуйи палата учун бир нафар депутат, ҳар 160 минг фуқаро эса юқори палата учун бир нафар сенаторни сайлайди. Сайловлар 43 сайлов округида бўлиб ўтади. Қуйи палатадаги қолган ўринлар камсонли миллатлар вакилларига ажратилади. Иккала палата аъзолари ҳам 4 йил муддатга сайланади. Уларнинг ваколат муддати уруш ҳолати ёки турли офатлар юзага келганда қонун йўли билан узайтирилиши мумкин. Аввалги қақриқ парламент аъзоларининг ваколат муддати тугаса ёки парламент тарқатилса, сайлов уч ой ичида ўтказилиши лозим. Янги сайланган парламентнинг илк мажлисини сайлов ўтганидан сўнг, йигирма кун ичида Президент қақриради. Депутатлар ва сенаторларнинг ваколати янги қақриққа сайланган парламент аъзоларининг илк мажлисларига қадар сақланиб қолади.

Аввалги қақриқдаги парламентда илгари сурилган қонун лойиҳалари ва қонунчилик таклифлари янги қақриқда давом эттирилади. Ҳар бир палата ўз фаолиятини регламентдан келиб чиқиб йўлга қўяди. Иккала палата ҳам доимий бюрони сайлайди. Доимий бюро аъзолари муддатдан аввал қақриб олиниши мумкин. Депутатлар палатаси спикери ҳамда Сенат раиси ваколати палата аъзолари ваколат муддати тугашига қадар амал қилади. Ҳар бир палата доимий, тафтиш ва палаталар ҳамкорлигидаги комиссиялар-

ни тузиши мумкин. Палаталар алоҳида ҳамда қўшма мажлислар ҳам ўтказиши мумкин. Ялпи мажлисларда иш юритиш тартиби қуйи палата ҳамда Сенат аъзолари кўпчилигининг овози билан қабул қилинган регламентга мувофиқ ташкил этилади. Палаталарнинг ялпи мажлислари давлат ва ижтимоий суғурта бюджетини тасдиқлаш, умумий ёки қисман сафарбарлик, мамлакат Олий мудофаа Кенгаши ҳамда Ҳисоб палатасининг ҳисоботларини тинглаш каби мақсадларда ўтказилади. Депутатлар палатаси ҳамда Сенат йилга икки марта сессия ўтказиши мумкин. Биринчи сессия февраль ойида бошланиб, июнь ойи охирига қадар давом этади. Иккинчи сессия эса сентябрь ойида бошланиб, декабрь ойи охирига қадар давом этади. Қуйи ва юқори палатанинг навбатдан ташқари йиғилишлари Президент, ҳар бир палатанинг доимий бюроси, депутат ёки сенаторлар умумий сонининг учдан бир қисми талаблари, асосида ўтказилиши мумкин. Иккала палата ҳам ўз йиғилишларини очик-ошкора ўтказиши мумкин. Палаталар алоҳида ёки мажлислар ҳам ташкил қилиши мумкин.

Бир вақтнинг ўзида иккала палатанинг аъзоси бўлиш мумкин эмас. Депутат ва сенаторлар дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади. Улар ўзи аъзо бўлган палатанинг розилигисиз ҳибсга олиниши, уларга нисбатан тинтув ўтказилиши ёки жинояти учун суд жавобгарлигига тортилиши мумкин эмас. Депутат ва сенаторлар ўз фаолиятлари учун ҳар ойда ҳақ оладилар. Унинг ҳажми ҳамда палаталар аъзоларининг бошқа ҳуқуқлари қонун йўли билан тартибга солинади.

Парламент конституциявий, органик ҳамда оdatий қонунлар қабул қилади. Конституциявий қонун Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутди. Органик қонунлар воситасида сайлов тизими, сиёсий партияларнинг фаолияти, референдумларни ташкил этиш ва ўтказиш қоидалари тартибга солинади. Шунингдек, бундай қонунлар факуллода ҳолат, қонунбузарликни жазолаш, амнистия ёки оммавий авф эълон қилиш, Олий магистратура Кенгаши фаолиятини ташкил этиш, мансабдор шахслар мақоми, маъмурий-юридик хизмат, касба уюшмалари ва ижтимоий ҳимояга оид меҳнат муносабатлари меъёрлари, таълим тизими, махсус иқтисодий зона ташкил этиш билан боғлиқ ишларни ҳам қамраб олади.

Ҳукумат, депутатлар, сенаторлар, шунингдек, овоз бериш ҳуқуқига эга камида 250 минг фуқаронинг ташаббускор гуруҳи қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга. Ҳукумат қонун лойиҳасини парламент палаталаридан бирига киритиш орқали қонунчилик ташаббусини амалга оширади. Одатий қонунлар ва қарорлар ҳар бир палата аъзоларининг кўпчилиги овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Ҳар бир палата ўрнатган регламентга мувофиқ, ҳукумат таклифлари ёки ўз ташаббуси билан шошилиш тарзда қонун лойиҳалари ёки қонунчилик таклифини илгари суриши мумкин. Бир палата қабул қилган қонун лойиҳаси ёки қонунчилик таклифлари иккинчи палатага киритилади. Борди-ю, иккинчи томон қонун лойиҳаси ёки қонунчилик таклифини рад этса, уни қабул қилган палатага қайтадан қўриб чиқиш ва муҳокама қилиш учун қайтаради. Агар палаталардан бири қонун лойиҳаси ёки қонунчилик таклифларини иккинчи палатадан фарқли равишда бошқа тахрирда қабул қилса, палата раислари қўшма ко-

миссия иштирокида келишув жараёнини амалга оширади. Борди-ю комиссия келишувни амалга ошира олмас ёки палаталардан бири келишув комиссияси ҳисоботини тасдиқламаса, бир-бирига мувофиқ келмайдиган қонун лойиҳаси матни Депутатлар палатаси ва Сенатнинг қўшма йиғилиши муҳокама қилинади. Йиғилишда кўпчилигининг овози билан матннинг яқуний варианты қабул қилинади. Парламент қабул қилган қонун лойиҳаси Президентга тақдим этилади. Президент уни 20 кун ичида қўриб чиқади. Президент қонунни имзолаш олдида уни яна бир бор қўриб чиқиш учун парламентга қайтаришга ҳақли. Президент қонунни Конституцияга нечоғлиқ мувофиқ келишига оид қўриб чиқиш мақсадида уни Конституциявий судга тақдим этиши мумкин. Конституциявий суд қонунни қўриб чиқиб, уни Асосий қонунга мувофиқ деб топса, 10 кун ичида қонунлар тўпламида эълон қилиниши лозим.

Қонун чиқарувчи Кенгаш парламентнинг консультатив органи бўлиб, қонунчиликни тизимлаштириш, умумлаштириш ва мувофиқлаштириш учун меъёрий ҳужжатлар юзасидан яқуний хулосалар берадиган органдир. У Руминия қонун ҳужжатлари ҳисоботини юритади. Қонун чиқарувчи Кенгаши тузиш ва фаолиятини ташкил этиш тартиби органик қонунлар воситасида амалга оширилади.

2008 йил бўлиб ўтган парламент сайловида демократик либерал партия Сенатдан 51, қуйи палатадан 115 ўринни қўлга киритган бўлса, социал демократик партия ҳамда консерватив партия иттифоқи юқори палатада 49, қуйи палатада 114 ўрин билан кифояланди. Ушбу сайловдан сўнг бир мунча вақт ўтиб, яъни 2011 йил февраль ойида парламентда кўпчилик ўринни эгаллаш мақсадида социал демократик, халқ либерал ҳамда консерватив партиялар ягона Социал либерал иттифоқини тузишди. 2012 йили мамлакатда навбатдаги парламент сайлови бўлиб ўтди. Сайлов натижасига асосан, Социал либерал иттифоқ қуйи палатада 273, ўнг руминлар иттифоқи 56, халқ партияси эса 47 ўринни қўлга киритди. Қолган сиёсий партиялар парламентдаги кам ўрин билан чекланди.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Тўпланиб қолган лой — кўчкига сабаб

Хитойнинг жанубида жойлашган Гуандун вилоятидаги Шэньчжэнь шаҳрида юз берган кўчки оқибатида бедарак йўқолганлар сони 90 нафардан ошди. Бу ҳақда "Рейтер" ахборот агентлиги хабар тарқатди.

Айни вақтда 59 эрак ва 32 аёлни қидириш ишлари олиб борилмоқда. Қутқарув ишларига 500 ўт ўчирувчи, 78 та эвакуатор ва бошқа техникалар жалб қилинган. Улар томонидан тупроқ ва лой остидан 14 киши қутқариб олинди, Воқеа жойидан 900 нафардан ортиқ киши хавфсиз жойга кўчирилган. Маҳаллий ҳокимият маълумотларига қўра, 33 ўй кўчки остида қолиб кетган. Хитой раҳбарияти жабрланувчиларга ёрдам бериш бўйича кўрсатма берди, ходиса сабабларини ўрганиш бўйича текширув бошлаш учун махсус гуруҳни жўнатди.

Маълумотларга қараганда, Шэньчжэнь шаҳридаги маҳаллий санат чиндилари сақланадиган жойда ҳаддан ташқари кўп лой тўпланиб қолгани кўчкига сабаб бўлган.



Ёғингарчилик ва сув тошқини

Филиппинда кузатилаётган кучли ёғингарчилик туфайли юзага келган сув тошқини қурбонлари сони 35 кишига етди. Бу ҳақда "Франс-пресс" ахборот агентлиги хабар тарқатган.


Филиппин Президенти Бенigno Акино мамлакатда факуллода ҳолат жорий қилди. Табиий офатдан, айниқса, Минданао ва Висай ороллари кўпроқ талафот кўрди. Ушбу ҳудудларда соатига 30 миллиметрдан зиёд ёғин миқдори қайд этилган. Сув тошқини хавфи туфайли қарийб 800 минг нафар маҳаллий аҳоли вакиллари мамлакатнинг марказий ҳудудларидан хавфсиз жойларга кўчирилди.



Смартфонда ишловчи чироқ

Исроилдаги "Peleg Design" студияси ҳамда Ҳолон технология институти ҳамкорлигида смартфонда ишловчи митти чироқ ихтиро қилинди.

Қурилмага "Luma" деб ном берилди. Хонадонингизни ёритувчи тунчироқ вази-фасини бажарувчи ушбу қурилма ихчам ва чиройли кўриниши билан киши эътиборини ўзига тортади. Смартфоннинг чирогини ёқиб уни "Luma"га тўғрилаб қўйсангиз, у оддий ёруғликни хонага йўналтириб сиз учун ҳақиқий тунчироққа айланади. "Luma"дан асосан уйку олдида китоб мутолаа қилишни севувчи инсонлар ва қоронғудан ухладан қўрқувчи болажонлар фойдаланса, айни муддао. Бундан ташқари, у хонага қўшимча қулайликлар ҳам яратади. Ҳозирда "Luma"нинг қулранг, қизил ва кўк рангдаги турларидан ҳам фойдаланиш мумкин.



Рангин дунё

Пекин шаҳрининг Чаоянь туманида жойлашган, 2008 йилги XXIX олимпия ўйинлари учун махсус қурилган муҳташам Миллий стадион шаҳар кўркига кўрк бағишлаб турибди. Мазкур спорт иншоотини "Қуш уяси" деб ҳам аташади. Бу бежиз эмас. У шундай қўрилаганки, чиндан ҳам қуш уясини ёдга солади. Стадион учун айнан шу лойиҳанинг таъиниши ўзига хос рамзий маънога эга. Зеро, қуш уяси тинчлик, фаровонлик ҳамда янги ҳаёт рамзидир.

Бу ерда футбол, енгил атлетика (югуриш, найза, диск улоқтириш, ядро иргитиш) мусобақалари ўтказиб келинади. Дунёнинг кўплаб экспертлари Пекин миллий стадионини нафақат 2008 йилги Олимпия ўйинлари рамзи, балки XXI аср дунё архитектурасининг ноёб намунаси сифатида баҳолайди. 2008 йилнинг октябрь ойидан бошлаб, яъни Олимпия ўйинлари якунлангандан сўнг, стадион диққатга сазовор иншоот сифатида сайёҳлар ташрифи учун очиб қўйилди. Қолавер-

Қуш уяси шаклидаги стадион

са, бугун стадион нуфузли халқаро спорт мусобақалари ўтказиладиган дунёдаги энг йирик иншоотлардан бирига айланган. Стадион лойиҳаси швейцариялик архитекторлар Жак Херцог ва Пьер де Мёрон ҳамда хитойлик архитектор Ли Ксинганга тегишли. Стадионни қуриш ишлари 2003 йилнинг 24 декабрида бошланди. 2004 йилнинг июлида юзага келган молиявий муаммолар сабаб қурилиш ишлари бироз муддатга қолдирилади. Уша йилнинг 27 декабридан бошлаб қурилиш яна давом эттирилди. 2008 йилнинг май ойида эса стадион тўлиқ қуриб битказилди. Қурилиш ишлари стадион пойдеворини қуйишдан бошланди. Мураккаб ва оғир иншоотнинг мустақамлигини таъминлаш мақсадида 35 метр чуқурида тиргаклар ўрнатилди. Кейин унинг устидан цемент қуйилди. Шундан сўнг бетон "коса"лар тайёрланди. Уларга



эса трибуналар ўрнатилди. Иншоот қурилиши учун жами 14,7 минг бетон плита ҳамда пўлатнинг янги туридан фойдаланилди. Бу эса пайвандлаш жараёнига муайян даражада кийинчилик туғдирди. Аввалга стадионни усти ёпиладиган қилиб қуриш режалаштирилган эди.

Бироқ кейинчалик усти ёпиладиган томдан воз кечишга қарор қилинади. Бу эса 15 минг тонна пўлатни ҳамда бир неча ўн миллион долларни иқтисод қилиш имконини берди. Стадион 258 квадрат метр майдонни эгаллайди. У йирик пўлат

устунлар ҳамда каркаслар воситасида қуш уяси кўринишига келтирилган. Уйингоҳнинг энг баланд нуқтаси 68,5, энг паст қисми 42,8 метрни ташкил этади. Унинг юқори қисми ярим шаффоф чарм билан қопланган. Мазкур материал сув ўтказмайди, қолаверса, стадионга кўёш нурунинг максимал даражада тушишини таъминлайди. Шу сабабли стадиондаги чим яхши ўсади. Қурилиш учун бирорта ҳам вертикал устунлардан фойдаланилмади. Бунинг учун эса минглаб замонавий техника ва умумий оғирлиги 45 минг тонна бўлган 36 километри пўлат арматуралар ишлатилди. Маълумки, Пекин сейсмик хавфи юқори бўлган ҳудудда жойлашган. Шу боис стадион 8 балли зилзилага бардош бера оладиган қилиб бунёд этилди. Бундан ташқари, мажмуа ша-

мол қаршилигига дош бера оладиган амортизация тизими билан таъминланди. Стадион 80 минг кишига мўлжалланган бўлиб, лозим бўлганда унга яна 11 минг қўшимча ўриндиқлар ўрнатилиши мумкин. 200 ўриндик имконияти чекланган фуқароларга мўлжалланган. Пекин миллий стадиони 2008 йилги тўртйилликнинг энг муҳим мусобақаси — XXIX ёзги Олимпия ўйинларининг очилиш ва ёпилиш маросимларига мезбонлик қилди. 2009 йилда футбол бўйича Италия суперкубогининг финал баҳси айнан шу стадионда ўтказилди. Шунингдек, "Қуш уяси" стадиони шу йилнинг 22-30 августда ўтказилган енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионати мусобақаларига ҳам мезбонлик қилди. Қолаверса, 2022 йилда Хитойда бўлиб ўтадиган XXIV қишки Олимпия ўйинларининг очилиш ва ёпилиш маросимини айнан шу стадионда ўтказиш режалаштирилмоқда.

